БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 26 апрель Пайшанба
№ 80 (13. 516).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Диққат: муаммо

«Меҳр – мурувват йўлида жон куйдираётганлар»

ЎЗБЕКИСТОН ахборот агентлиги мухбирининг «Ғилдиракни ким кашф этади?» мақоласи жумҳурият газеталарида босилиб чиққанидан сўнг хўжалик ҳисобидаги «Крок» фирмасига — В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлимининг корхонасига ҳамкорлик қилишни сўраб таклиф этилган ўнлаб хатлар келди. Фирма директори Владимир Хаимовга муҳандислар, ишчилар, талабалар — ногирон болалар учун аравачалар ишлаб чиқаришда ёрдам беришни хоҳлаган барча кишилар мурожаат қилишди. Шундай қилиб, муаммони ҳал этиш йўлида озми, кўпми қадам ташланди.

Ҳозирча ногирон болалар учун фақат бир нусха аравача яратилди. «Крок» фирмаси ходимлари чизмаларни тайёрлашлари, дастгоҳлар ва жиҳозлар сотиб олишлари, цех учун бино топишларига жами уч ой керак бўлди. Одатдаги шароитда ғояни жорий этишга 2—3 йил кетади. Ногирон болаларнинг муаммоларини ҳал этишга отланган кишилар катта ёрдам беришди.

— Биз шу йилнинг ўзидаёқ мингта аравача чиқаришимиз мумкин эди. Лекин фақат жумҳуриятимизнинг ўзига бундай аравачалардан неча ўн мингта керак. Уларни тайёрлаш учун хом ашё йўқ, — дейди В. Хаимов. — Саноатимиз янгиликни шу даражада тез жорий этишга мўлжалланмаган. Мушкул вазиятга тушиб қолдик. — Ҳозирча аравачаларнинг намуналари йўқ, табиийки, хом ашёнинг ҳисоб-китоблари ҳам қилинмаган. Буларсиз моддий-техника таъминоти давлат қўмитаси бундай фондни ҳеч кимга бермайди. Боз устига фонд учун талабномалар анча илгари, қарийб бир йил олдин қабул қилинади.

Тўғри, моддий-техника таъминоти давлат қўмитаси бу гал қоидалардан четга чиқиб, ўз фондидан озми, кўпми қувур ажратди. «Крок» фирмасининг келаси йил учун тайёрлаган барча талабномалари қабул қилинди. Тошкент корхоналари — «Ташавтоматика» заводи, «Вниипромгаз» Ўрта Осиё филиали ва 2-иттифоқ Давлат алоқа лойиҳа институти ҳам хом ашё топишда ёрдам берди. Аравача синовдан ўтган касалхона шифокорлари уни маъқуллаб, ижобий фикр билдирдилар. Бундай қараганда барча муаммолар ҳал этилгандек кўринади, бироқ, «Крок» фирмаси ходимлари ўзлари яратган аравачаларнинг тақдиридан ҳамон хавотирланмоқдалар.

Муаллифлар жаҳондаги намуналардан ортда қолмайдиган аравачалар ишлаб чиқаришни хоҳлашмоқда. Бундай аравачаларни тайёрлаш учун эса Гальваника, жумладан, хромлаштириш керак бўлади. Шифокорлар ногирон болалар учун ускуналарда худди шундай металл қопламалари бўлишига рухсат берадилар. Фирма В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат қилди, лекин корхонада қаттиқ шарт қўйишди: қўшимча равишда 400 фоиз кўп харажат қилинса... олтин аравача пайдо бўлармиш!

— Осонгина бўяб қўйиш ҳам мумкин эди. Лекин бирламчи ишлов беришда керакли тупроқ бўлиши, оч рангли махсус автомобиль бўёғи зарур. Лекин, афсуски, бу йил фондимиз бўйича ҳеч нарса ололмаймиз, талабномамиз фақат келаси йил учун қабул қилинган, — дейди директор. — Жорий этишда бундай суръатлар билан фақат бир-икки йилдан кейингина рисоладаги корхонага айланишимиз мумкин. Биз диаметри 16 миллиметрдан 22 миллиметргача бўлган юпқа чоксиз пўлат қувурлардан оз бўлса ҳам қолган корхоналарнинг раҳбарларидан ёрдам беришларини ўтиниб сўраймиз. Бирламчи пардоз беришга кетадиган тупроқ, автомобиль бўёғи ва бошқа хом ашёларга ҳам муҳтожмиз. Бу нарсаларни сотиб олишимиз, ёки аравачаларимизга алмаштиришимиз мумкин бўлур эди. Балки, бу аравачалар корхоналарнинг бирон-бир ходимига жуда керакдир. Хўжалик ҳисобидаги «Крок» фирмаси қулай бинода жойлашган.

У бинони ўз ҳисобидан тузатиб олди, ускуна ўрнатди, 50 минг сўмдан кўпроқ пул сарфлади. Цех округ ҳарбий касалхонасининг бўш биносига жойлашди, лекин ижара муддати бу йил тугайди. Ундан кейин бино бузиб ташланади. Ҳарбий шифокорлар бу бинони бузиб ташлашни, балки бироз орқага суришар, фирма касалхонага пул тўлаб бинони сотиб олишга ҳам рози.

Ҳар ҳолда «Крок» ходимлари ноумид бўлмаяптилар. Улар ногиронлар аравачаларини ишлаб чиқариш учун малакали ишчиларни, айтиш мумкинки, қаттиқ талабчанлик билан танлаб олишга киришдилар. Бу бежиз эмас — меҳр-мурувват тўғрисида гап борганида, ногиронларга ғамхўрлик қилинаётганида чин қалбдан ҳалол ишлаш керак бўлади. Чунки бу ерда одамлар ғайрат билан ишлаб, хаста кишиларга ёрдам беришни жуда-жуда хоҳлайдилар.

«Крок» фирмаси турли касбкор эгаларини, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини, винт, болт сингари оддий деталларни ишлай оладиган, ёстиқчалар тикадиган, тайёр буюмларни йиға оладиган касаначи ногиронларни таклиф этади. Фирма сифатли иш учун яхши маош тўлашга ваъда беради. Амалий иш билан ёрдам беришни — токарлик, фрезерлик, тикувчилик ва бошқа юмушларни бажаришни хоҳлайдиган ширкатларни ҳам таклиф қилади. Фирма хайр-эҳсонлардан ҳам фойдаланиш ниятидадир.

В. И. Ленин номли Совет Болалар фонди Ўзбекистон бўлимининг муомаладаги пуллари туфайли болалар уйларида тарбияланаётганлар учун моллар ишлаб чиқарадиган ана шундай ва бошқа корхоналар очилди. «Крок» фирмасининг ўзи ногиронлар учун яна икки хил буюм ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда ва янги-янги ўзига хос ғояларни муттасил изламоқда.

— Жумҳуриятимизда социал таъминот идоралари тепса-тебранмаслигини ўз кўзи билан кўриб, ногиронлар учун ажойиб мосламалар тайёрлаётган туғма ихтирочилар кўплаб топилади, — дейди В. Хаимов. — Фирмамиз ногиронларга ёрдам бериш ва улар учун халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни жорий этишга ҳар қанча керакли маблағларни сарфлашга тайёр. Фирмамиздаги мавжуд рўйхатларда эса бундай моллар кўплаб ёзиб қўйилган. Бу моллар мамлакатимизда деярли ишлаб чиқарилмайди.

Жумҳуриятимизнинг ўнлаб саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, Ўзбекистоннинг кўплаб аҳолиси болалар жамғармаси ҳисобига мунтазам равишда ҳайрия пулларини ўтказиб туришибди. Лекин бу ишга мутлақо алоқаси бўлмаган одамлар беғараз ва оққўнгиллилик билан ёрдам бераётган бир вақтда бемор болаларнинг соғлиғи ва тақдири учун бевосита жавоб берадиган кишиларнинг тошбағирлиги, тўраларча муомаласига дуч келиб турибмиз. «Крок» фирмаси болалар қанча эканлигини аниқ билишни хоҳлаб, барча вилоятларнинг соғлиқни сақлаш бўлимларига хат юборди, лекин ҳеч ким бу хатга жавоб ёзишни ўзига эп кўрмади, фирмамиз болалар фондининг вилоят бўлимлари орқали яна уларга мурожаат қилди. «Жавобимизни кутинг... кутинг...» деган гапдан нарига ўтилаётгани йўқ.

Ижодий жамоа ўзи бошлаган ишни сабот билан, қатъият билан давом эттираётганлигини, бу оғир ишда ўзига йўл очиб бораётганлигини фақат табриклаш мумкин. Лекин қимматли вақт ўтиб бормоқда, ногирон болалар эса кўзлари тўрт бўлиб, ҳамон кутишмоқда...

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

У кунларнинг шуҳрати сўнмас!

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва уччала даражадаги барча Шуҳрат орденларининг соҳиблари бўлган ўзбекистонликлар байрамона либосда, жанговар мукофотларини кўкракларига тақиб тантанали учрашувга келдилар. Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган бу учрашув 25 апрель куни уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашида бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси Р. Ғуломов очди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Биз ҳаммамизни бирлаштириб турган энг яхши хислат ва фазилатлардан баҳраманд бўлиш учун тарихимизга қайта-қайта мурожаат қиламиз, деийилди учрашувда. Ўзбекистонликлар фашизмга қарши олиб борилган даҳшатли жангларда кўрсатган қаҳрамонлик ўтмишимизнинг шонли саҳифаларидан биридир. Уруш қатнашчилари урушдан кейинги йилларда ҳам олдинги сафларда бўлдилар, улар мамлакатга халқ хўжалигини тиклаш ва мустаҳкамлашда ёрдам бердилар Бугун иқтисодиёт ва сиёсат, фан ва маданиятнинг барча соҳаларида чинакам инқилобий ўзгартишлар рўй бераётган вақтда, биз — жумҳурият аҳолиси ветеранларнинг қўллаб-қувватлашига, уларнинг доно маслаҳатига, ёшларни тарбиялашда оталарча ёрдамига ғоят муҳтожмиз.

И. А. Каримов учрашувга келганларни Ғалабанинг бўлажак 45 йиллиги билан самимий табриклади. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва уччала даражадаги Шуҳрат орденларининг соҳибларига уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгаши ҳайъатининг фахрий ёрлиқларини, эсдалик совғаларини топширди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Боболар ёди



Азиз муштарий, суратдаги ҳикоя қилишга жон-дили билан берилган муаллимни ҳам, жон қулоғи билан тинглаётган ўқувчиларни ҳам ҳозирча эътибордан соқит қила туринг. Нигоҳингизни орқадаги қалъа вайроналарига ташланг. Умри соб бўлаёзган қадим обида қолдиқларини кўриб, юрагингиз ақалли бир марта «жиз» этдими?..

Оламнинг етти мўъжизаси қошида лолмиз. Коллизей вайроналарини кўриб, ҳайратдан ёқа тутамиз. «Хитой девори»ни инсон қўли бунёд қилганига шубҳа уйғонади. Миср эҳромларини кўз билан кўриш — етиб бўлмас орзу. Айтаверсак, санайверсак қадим бобокалонларимиз яратган осори-атиқалар, обида — иншоотлар жуда кўп. Аммо, нигоҳимиз узоқларга тикилган. Ўзгаларга сажда қилишга ўрганган халқмиз. Шундоқ ёнимиздаги кун ора харобага айланиб бораётган Хива обидалари, Самарқанду Бухоронинг етти иқлимга доңғи кетган мадраса-ю мақбараларини кўрмаймиз. Мазкур обидаларни музей қилиб олган масъул тармоқнинг фикри-зикри сайёҳлардан пул ундириш, юқоридан берилган режани бажариш. Қошки, шунда ҳам барча маблағ шу заминда қолса... Таъмирлаш идораларининг ўз муассасасидан нарига етмайдиган «калта қўли» беш-ўн йиллаб «тер тўкиб» кичик бир мадрасага «жон бериш»га қодир эмас.

Юртимиз тарихини ўрганишга энди киришдик. Кимлардир ғаразли мақсадларда ёзган сохта тарихни эмас, ўз тарихимизни, бор тарихни. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти ҳудудидаги қадим Хоразм маданияти ўчоқлари бўлган беш юздан ошиқ қалъаларидан бугун нима қолди? Бармоқ билан санарли қолганлари ҳам адо бўлиб, ер юзидан йўқолиш арафасида. Фожиамизни тўла англаб етганимиз йўқ. Халқ фақат номланиши, мавжуд макони билан халқ эмас. Халқ — минг йиллар давомида авлоддан-авлодга қолдирилган тарихий меросни сақлай олиши билан ҳам халқ. Буни одамларга тушунтириш мушкул. Хиванинг ёши нечада, деб талашиб-тортишиб ётибмиз-у...

Энди суратга қайтамиз. Бу қалъа вайроналари Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ноҳиясида жойлашган. Халқ уни «Дев солган қалъа» деб атайди. Ҳайбати, ҳажми боис шу номни олган. 30-йиллар охирида академик Толстов бу ерда археологик қазишмалар ўтказган. Тамом. Шундан сўнг қалъа тақдири билан қизиқадиган одамнинг ўзи бўлмаган. Ҳатто бир вақтлар қалъа деворларини ғишт заводига беришни мўлжаллаган раҳбарлар ҳам бўлган...

Бугун «тавба!» деб ёқамизни ушлаймиз. Неча асрлар боболаримизни ўз паноҳида душманлардан асраб келган қадим қалъани энди одамларнинг ўзидан ҳимоя қилиш зарурлигидан ҳайратланамиз. Ташландиқ обиданинг неча йиллик умри қолди экан, деб фол очишга тушамиз..

Боғот ноҳиясидаги «Октябрь» ўрта мактабининг тарих фани ўқитувчиси Йўлдош ака Нурматов биз санаб ўтган ноинсоний қилмишларга бефарқ қараб турадиганлардан эмас. У она юрт тарихини илми толибларга тўлалигича етказиш; боболар қўл излари қолган ҳар обидани кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз эканлигини ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилади. Қадим обидалар пойида — очиқ осмон остида дарс машғулоти ўтказиш сабаби шу.

Фидойи муаллим Дев қалъанинг ёшини Афросиёбга менгзаяптими, Кўҳна Урганч обидаларига тенгдош деяптими, бизга қоронғу. Биз шундай тарих муаллими қўлида сабоқ олмаганимиздан афсусланамиз, холос.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

* * *

Суратчи: Ж. ҚОЗОҚОВ.

Дилдан суҳбат

Саҳифага чиқмайдиган гаплар



Уйингизга бугун ҳам хат ташувчи келди. Орзиқиб кутган севимли рўзномангизни, жаридангизни олдингиз. Уларни варақлашга тушасиз. Истайсизми, йўқми, нашрлардаги ўткир мақолалар билан бирга уларнинг безаклари, сифати ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Маъқул келса, хўп-хўп, йўқса, айтасиз: «Қачон бизнинг нашрлар ҳам хориждаги сингари жозибали, дилтортар, жўшқин чиқади?»

Айтишларича, Америка Қўшма Штатларидаги ҳамкасбларимиз воқеа содир бўлган жойдан репортажларни редакциядаги компьютерларга чўнтак телефони орқали узатишаркан. Мухбир хизмат жойига қайтиб келгунга қадар боя юборган хабарлари ҳеч кимнинг аралашувсиз рўзнома саҳифасига чиқиб туради. Биз учун афсона бўлиб туюладиган бу ҳолат океан ортиликлар учун оддий ҳақиқат.

Гапни чўзмай мақсадга кўчсак. Хўш биз журналистлар учун ҳам шундай шароитда ишлайдиган кунлар насиб этадими? Умуман, жумҳурият рўзнома ва жаридаларининг матбаа замини истиқболи қандай? Сиз оммавий ахборот воситаларининг келажагини қандай тасаввур қилишни истардингиз?

Хуллас, саҳифага чиқмайдиган ишлар ҳақидаги саволларга жавоб олишни истасангиз, Матбуот куни арафасида — 1990 йил 3 май куни Тошкент вақти билан соат 11.00 дан 13.00 гача қўнғироқ қилинг. **Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти директори, тарих фанлари номзоди Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Ислом Шомуродович ШОҒУЛОМОВ** сиз муштарийлар билан дилдан суҳбат қуришга розилик берди. Бунинг учун рўзномани ўқиб туриб уйдан ёки ишхонангиздан ҳам **33-95-97, 32-55-84** рақамли телефонларга сим қоқсангиз, бас.

Дарвоқе, суҳбат мавзуи саҳифа ортидаги гаплардан иборат бўлсада, уни рўзномамиз саҳифаларига олиб чиқишга кафолот берамиз.

ВЛКСМ XXI съезди Декларацияси

Кўз ўнгимизда узоқ йиллар давомида коммунистик ғоялар ниқоби остида шахсни топтаган тоталитар тузум парчаланмоқда. Янгиликнинг эскилик билан тўқнашуви зўравонликнинг кучайиши, миллатлараро низолар, ижтимоий кескинликнинг ўсиши, мафкура ва сиёсатдаги ошкора қарама-қаршилик билан давом этмоқда. Жамият қийинчилик билан қотиб қолган консерватив қарашларни енгиб ўтмоқда, ақлли демократик турмуш тарзига ўтиш йўлини изламоқда. Реал парламентаризм, кўп фирқалилик, марказлаштирилмаган кўп тармоқли иқтисодиёт туғилмоқда, инсон тобора кўпроқ барча ўзгаришлар марказига қўйилмоқда.

Съезд иттифоқнинг тақдири олдидаги ўз масъулиятини ҳис этиб, қуйидагиларни комсомолнинг бош мақсади деб ҳисоблайди:

— кишининг эркин камол топишига шароит яратиш унинг ижодий имкониятларини очиш, мамлакат ёшларининг ташкилотлари аъзолари манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш;

— демократик, инсонпарвар социалистик жамиятни яратишга, мамлакатнинг чинакам федератив ҳуқуқий демократик давлат ҳолига ўтишига, бу ўтишнинг зўравонликсиз, парламент йўли билан амалга оширилишига кўмаклашиш.

Комсомол ҳозирги аҳволида бу мақсадларни амалга ошира олмайди.

Лекин бунинг йўли бор:

— ёшларнинг муаммоларини ечишга даъват этилган давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг ташкилий кучларини, моддий ресурсларни ва молиявий маблағларни жамлаш;

— ВЛКСМ ўзини социалистик йўналишдаги ташкилот, ёшлар демократик ҳаракатининг тенг ҳуқуқли қисми деб эълон қилади.

ВЛКСМдаги ғоявий бирлик асоси ижодий ривожлантирилаётган марксизм, умуминсоний қадриятларнинг устунлигини тан олиш; замонавий социалистик тафаккурга эришишдир.

Съезд ВЛКСМнинг мустақиллигини, КПСС билан яқин ҳаракат қилишни, бошқа фирқалар ва жамоат ташкилотлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ёқлайди.

Иттифоқнинг янги мазмунига унинг янгича ташкилий қурилиши мос келиши керак. Қатъий ички иттифоқ структураларини, бюрократчиликни бартараф этиш, ташкилот доирасида эркин мунозара бўлишини ва дастурни шакллантириш, кўпчилик ва озчилик ҳуқуқларини ҳурмат қилиш — иттифоқни янгилаш йўли мана шундайдир. ВЛКСМ ғоявий бирликни сақлаган ҳолда ёшлар иттифоқлари федерацияси шаклида қайтадан тузилади.

ВЛКСМ XXI съезди Регламентига биноан съезд делегатларининг алоҳида фикри сифатида расмийлаштирилган қатор тузатишлар ва муқобил таклифлар киритилди. Ушбу материаллар рўзномамизнинг келгуси сонларида чоп этилади.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи XXI съездининг ҳужжатлари

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи

УСТАВИ

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи совет ёшларининг федерация принциплари асосида қурилган кўнгилли, мустақил, ижтимоий-сиёсий ташкилотдир.

ВЛКСМ СССР Конституцияси, Совет қонунлари ва СССР имзолаган халқаро шартномаларга мувофиқ ўз Устави ва ҳаракатномавий ҳужжатлари асосида ҳаракат қилади.

ВЛКСМнинг асосий мақсади инсоннинг эркин камол топиши, унинг ижодий имкониятлари намоён бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш, ташкилот аъзоларининг, мамлакат йигит-қизларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқариш; демократик инсонпарвар социалистик жамиятни яратишга, мамлакатни чинакам федератив ҳуқуқий демократик давлат ҳолатига ўтказишга, ана шу ўтиш даврини зўравонсизлик, парламент йўли билан амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

ВЛКСМ ўзининг ҳаракатномавий мақсадларига эришиш учун мамлакатнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнаша бориб, ёшларнинг, аввалambор ВЛКСМ аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар ва ваколатлардан фойдаланади.

ВЛКСМ истиқболга мўлжалланган ва кундалик вазифаларини, иш йўналишлари ва шаклларини мустақил белгилаб олади, бошқа ёшлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

I. ВЛКСМ ИЧКИ ИТТИФОҚ ТУРМУШИНИНГ АСОСЛАРИ

1. ВЛКСМ ички иттифоқ турмуши қуйидаги принципларга асосланади:

а) — ташкилот ҳар бир аъзосининг шахсий қадрияти ва фикрига ҳурмат;

б) — барча ташкилотлар ишидаги жамоатчилик, қарорлар қабул қилишдаги коллегиаллик, топширилган иш учун ВЛКСМ аъзоларининг шахсий масъулияти;

в) — қуйидан юқоригача барча комсомол органларини сайлаб қўйиш;

г) — комсомол органлари ўз ташкилотлари олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туриши ва ўз фаолиятлари ҳақида юқори органларни хабардор қилиб туришлари;

д) — барча комсомол органлари ва ташкилотларининг ишида мунозаралар эркинлиги, тўла ошкоралик;

е) — кўпчилик ва озчиликнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш: кўпчилик манфаатларини унинг бутун ташкилот номидан чиқиш ва ҳаракат қилиш ҳуқуқи, ташкилот мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланади; озчиликнинг манфаатлари унинг ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, жамоачилик фикрига мурожаат этиш, сайлаб қўйиладиган органлар таркибида ташкилий шаклланиш, ВЛКСМ Уставига зид бўлмаган фаолият кўрсатиш, ажралиб чиқишга қадар ташкилий ўз-ўзини белгилаш билан таъминланади;

ж) — юқори органларнинг қарорлари, агар шу қарорлар улар томонидан қуйи ташкилотлар ана шу органларга бериб қўйган ваколатлари доираларида қабул қилинган бўлса, мажбурийлиги;

з) — ВЛКСМда олий ва сайлаб қўйиладиган органларнинг ваколатини чегаралаб қўйиш белгиланади. Сайлаб қўйиладиган органларнинг вазифалари ва ваколатлари ВЛКСМ съезди, иттифоқдош жумҳуриятлар коммунистик ёшлар иттифоқларининг тегишли съездлари, комсомол ташкилотларининг конференциялари ва йиғилишлари қарори билан белгиланади.

ВЛКСМнинг умумий йўли ва вазифаларини амалга оширишдаги бирлик барча комсомол ташкилотлари уларни рўёбга чиқаришда шакллар ва усулларни танлаб олишда кенг мустақиллиги кўзда тутилади.

2. ВЛКСМ МҚ, комсомол қўмиталари комсомол мукофотларини таъсис этиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи

УСТАВИ

(Боши 1-бетда).

II. ВЛКСМ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

3. Совет Иттифоқининг 14 ёшдан то 28 ёшгача бўлган ВЛКСМнинг ҳаракатномавий ҳужжатларини ва Уставини эътироф этадиган, аъзолик бадалларини тўлаб турадиган истаган ҳар бир йигит-қиз ВЛКСМ аъзоси бўла олади. ВЛКСМда аъзолик ВЛКСМга кирувчи ташкилотлар орқали, ана шу ташкилотларнинг уставлари ёки норматив ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Федерация субъектларининг уставлари ёки норматив ҳужжатлари билан ВЛКСМда аъзолик муддати чегараси узайтирилиши мумкин.

ВЛКСМ аъзолари ягона намунадаги комсомол билети ва нишонига эга бўладилар.

4. ВЛКСМ аъзоларининг бир ташкилотдан иккинчисига ўтиши унинг ВЛКСМ Уставида белгилаб қўйилган ҳуқуқларининг камситилмаслиги керак.

5. ВЛКСМ АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ.

ВЛКСМ аъзолигига қабул тўғрисидаги масала бошланғич ташкилотда кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Йиғилишда қатнашаётган ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

6. ВЛКСМ АЪЗОСИ:

а) — ўз манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришда комсомол ташкилотларига ва органларига, комсомолнинг оммавий ахборот воситаларига мурожаат этиш, ВЛКСМнинг сиёсий, ташкилий ва моддий имкониятларидан фойдаланиш;

б) — комсомол органларига номзод кўрсатиш, сайлаш ва сайланиш;

в) — комсомол фаолиятининг барча масалалари юзасидан муҳокама этиш, танқид қилиш, таклиф киритиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш;

г) — ўзининг фаолияти ёки хулқ-атвори тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётган пайтда комсомол органларининг йиғилишларида, мажлисларида шахсан қатнашиш;

д) — характеристика, тавсиянома сўраб комсомол ташкилотига мурожаат қилиш;

е) — комсомол органларининг тасарруфида бўлган ахборотни олиш, истаган комсомол органига, ВЛКСМ съездига қадар саволлар, ариза ва таклифлар билан мурожаат қилиш, мурожаатномага асосли жавоб олиш;

ж) — принциплари ва фаолияти СССР Конституциясига зид бўлмаган ва ВЛКСМ ҳаракатномавий ҳужжатлари ҳамда Уставини бажаришга тўсқинлик қилмайдиган бошқа ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар ишида қатнашиш;

з) — бир вақтда ўзининг бошланғич ташкилоти, шунингдек, истаган бошқа ташкилот ишида қатнашиш ёки федерация субъекти доирасида сўнггиси билан келишилган ҳолда бир ташкилотдан иккинчи ташкилотга ўтиш ҳуқуқига эга.

7. ВЛКСМ АЪЗОСИНИНГ БУРЧЛАРИ:

а) — ВЛКСМ ҳаракатномавий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажаришда қатнашиш ва ВЛКСМ Уставига риоя этиш;

б) — ВЛКСМнинг обрў-эътибори тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш ва унинг ғояларини тарғиб қилиш.

8. ВЛКСМДА АЪЗОЛИКНИ ТЎХТАТИШ.

ВЛКСМ аъзолиги:

а) — ВЛКСМ аъзоси бу ҳақда бошланғич комсомол ташкилотини хабардор қилгандан ва комсомол билетини топширгандан кейин ўз хоҳишига кўра;

б) — ВЛКСМ аъзолиги муддатини чекловчи ёшга етганлиги муносабати билан, агар комсомол аъзоси шу пайтгача комсомол органларига сайланмаган бўлса, комсомол ишида иштирок этмаса ва ВЛКСМда бўлиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза бермаган бўлса, тўхтатилиши мумкин.

9. ВЛКСМДАН ЧИҚАРИШ.

ВЛКСМдан чиқариш тўғрисидаги масала бошланғич ташкилотда ҳал этилади. Йиғилишда қатнашаётган ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

10. ВЛКСМ сафидан чиқарилган киши икки ой муддат ичида то ВЛКСМ Марказий Қўмитасигача бўлган юқори органга шикоят аризаси бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси унинг тушган кунидан бошлаб икки ойдан кўп бўлмаган муддат ичида кўриб чиқилади.

III. ВЛКСМНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

ВЛКСМ — коммунистик ва социалистик йўлни танлаб олган йигит-қизларни бирлаштирувчи коммунистик ёшлар иттифоқи федерацияси. Федерация субъектлари иттифоқдош жумҳуриятлар, СССР Қуролли Кучлари, СССР ДХҚ, Сарҳад қўшинлари, СССР Ички ишлар вазирлиги коммунистик ёшлар иттифоқлари ҳисобланадилар. Федерация субъектлари ғоявий бирлик, маълум ташкилий мустақиллик, кўнгиллилик ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳаракат қиладилар.

12. Бошланғич комсомол ташкилотлари меҳнат, хизмат, ўқиш, истиқомат жойлари бўйича ва комсомолларнинг ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлари муштараклиги асосида (ёшлар қатламлари бўйича ижтимоий ҳаракатномаларни рўёбга чиқариш учун, сиёсий клубларда, экологик тузилмаларда ва ҳоказоларда) ташкил этилади.

13. Ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, давлат, жамоа ташкилотлари ва органлари билан музофот даражасида ҳамжиҳатлик учун комсомол ташкилотлари ноҳия, шаҳар, мавзе, вилоят, ўлка, жумҳурият комсомол ташкилотларига, жумҳуриятлар коммунистик ёшлар иттифоқига, зарур ҳолларда бошқа ҳудудий уюшмаларга бирлашадилар.

Шунингдек, комсомол ташкилотлари музофот, Бутуниттифоқ уюшмалари ва ассоциацияларига манфаатларнинг ижтимоий аҳамияти муштараклиги асосида уюшишлари мумкин.

Эслатма: ҳорижда бўлган ВЛКСМ аъзолари тегишли мамлакатдаги совет муассасаларининг ва жамоаларининг комсомол ташкилотларига уюшадилар. Бу ташкилотлар бевосита ВЛКСМ таркибига киради, ВЛКСМнинг ҳаракатномавий ҳужжатлари ва Устави, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг норматив ҳужжатлари асосида ишлайди.

14. Зарур бўлган ҳолларда бошланғич комсомол ташкилотлари ўзларининг вилоят, ўлка, жумҳурият ташкилотлари, иттифоқдош жумҳуриятлар коммунистик ёшлар иттифоқлари таркибига бевосита киришлари мумкин.

Бундай ҳолларда уларнинг тузилишидаги ўрни ва мақоми уларнинг ўзи тегишли сайлаб қўйиладиган юқори органлар томонидан белгилаб берилади.

15. Комсомол ташкилотлари ўз сайлаб қўйиладиган органларини — комсомол қўмиталари (президиумлар, котиблар кенгашлари ва бошқаларни) ҳамда зарур ҳолларда назорат комиссияларини шакллантирадилар. Сайлаб қўйиладиган органлар мустақил равишда ўзининг аппаратларини ташкил этиши, уларнинг тузилишлари ва штатларини мустақил белгилаши мумкин.

16. Комсомол ташкилотларининг олий органи — умумий йиғилиш, конференция, федерация субъекти ва ВЛКСМ учун — съезд ҳисобланади. Йиғилиш, конференция, съезд унда ташкилот аъзоларининг ёки сайлаб қўйилган делегатларнинг ярмидан кўпи қатнашган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

17. Мазкур ҳудуддаги комсомолларни бирлаштирган ташкилотнинг сайлаб қўйиладиган органи унинг таркибига кирувчи ҳамма комсомол ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларига нисбатан юқори орган ҳисобланади.

IV. БОШЛАНҒИЧ КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ

18. Бошланғич ташкилот — бу ВЛКСМнинг негизи ҳисобланади.

Бошланғич ташкилотнинг ВЛКСМдаги устунлиги унинг қуйидаги ҳуқуқлари билан белгиланади:

а) — ҳал этишни юқори органлар ваколати доирасига ўтказилган масалалардан ташқари **ўз турмуши ва фаолиятидаги истисносиз барча масалаларни ҳал этиш;**

б) — **мустақил** ўзининг ички тузилишини белгилаш ва бошланғич ҳуқуқидаги комсомол ташкилотларини ҳамда комсомол гуруҳларини тузиш;

в) — комсомол йиғилишларини ўтказиш даврийлигини **мустақил белгилаш;**

г) — ҳуқуқий шахс **ҳуқуқига эга бўлиш,** ўзининг молиявий маблағларини, жиҳозларини тасарруф қилиш;

д) нoширлик фаолиятини юритиш ва ўз ахборот органларига эга бўлиш;

е) — ўз вакилларини сайлаб қўйиладиган органларга тавсия қилиш, уларга наказлар бериш, сўровлар бериш, ҳисоботларни эшитиб бориш, зарур ҳолларда чақириб олиш.

19. Бошланғич комсомол ташкилоти тузиш тўғрисидаги қарор камида уч ВЛКСМ аъзоси қатнашган таъсис йиғилишида қабул қилинади ва юқори комсомол органи томонидан рўйхатга олинади.

Бошланғич ташкилот умумий йиғилиш ёки конференцияси қўмита (бюро, президиум ва ҳоказолар) ва (ёки) котиб сайлайди. Қўмита (бюро, президиум ва бошқалар) комсомол (котиби) ташкилотнинг кундалик ишини ташкил этади. Бошланғич ташкилот назорат комиссиясини сайлаши мумкин.

21. Бошланғич ташкилотни тарқатиб юбориш ҳақидаги қарорни мазкур ташкилотнинг умумий йиғилиши қабул қилади. Унинг фаолияти амалда тўхтаб қолган тақдирда, ёки агар унинг фаолияти ВЛКСМнинг ҳаракатномавий ҳужжатлари ва Уставига зид бўлган тақдирда, комсомол ташкилотини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорни юқори орган қабул қилади.

V. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

22. Федерация субъектлари ВЛКСМга кўнгиллилик ва тенг ҳуқуқлилик асосида бирлашадилар ва ВЛКСМ олий ва марказий сайлаб қўйиладиган органлардаги кафолатланган вакиллар орқали умумкомсомол масалаларини ҳал этишда қатнашадилар. Улар ВЛКСМнинг сайлаб қўйиладиган органларига ихтиёрий асосда бериб қўйган бир қисм ҳуқуқларидан ташқари барча ҳуқуқларга эга бўладилар, уларни ВЛКСМ съездининг қарорларида ва комсомол Уставида жамоа тарзида мустаҳкамлаб қўядилар. Ана шунга мувофиқ тарзда улар ВЛКСМнинг ҳаракатномавий ҳужжатларига ва ВЛКСМ Уставига, съезд ва ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг қарорларига амал қиладилар.

23. Федерация субъектлари ВЛКСМнинг ҳаракатномавий ҳужжатларига ва Уставига зид бўлмаган ўзларининг ҳаракатномалари ва уставларига ёки норматив ҳужжатларига қўшимча ўз рамзларига эга бўлишлари мумкин.

ВЛКСМ Уставида белгилаб қўйилган нормалардан ташқари ички иттифоқ фаолиятининг барча нормалари федерация субъектларининг ваколатига киради.

24. Федерация субъектлари ВЛКСМ таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Чиқиш тўғрисидаги қарор референдум якунлари бўйича ҳисобда турувчи барча комсомолларнинг 2/3 кўпчилик қисми овоз берганда қабул қилинади.

VI. ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ АСОСИДАГИ ВЛКСМ БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАЛАРИ ВА УЮШМАЛАРИ

25. ВЛКСМ Бутуниттифоқ бирлашмалари ва уюшмалари ёшлар қатламлари бўйича ижтимоий ҳаракатномаларни бажариш, сиёсий клублар ҳаракатномалари, экологик тузилмалар, шунингдек, ёшларнинг бошқа ижтимоий аҳамиятга молик манфаатлари муштараклиги асосида тузилади.

Бутуниттифоқ бирлашмалари ва уюшмалари ВЛКСМнинг ҳаракатномавий ҳужжатларига зид бўлмаган ўз ҳаракатномаларига эга бўлишлари, сайлаб қўйиладиган органлардаги ўз вакиллари орқали умумкомсомол масалаларини ҳал қилишда қатнашишлари мумкин.

Улар ички турмуш нормаларини белгилашда ВЛКСМ Уставига амал қиладилар.

Бутуниттифоқ бирлашмалари ва уюшмалари қўшимча ўз рамзларига эга бўлишлари мумкин.

VII. ВЛКСМНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

26. ВЛКСМнинг олий органи съезд ҳисобланади. ВЛКСМнинг навбатдаги съездлари уч йилда бир марта чақирилади. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг пленуми съездни чақириш тўғрисида қарор қабул қилади. Навбатдан ташқари съездлар ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленумининг ташаббуси бўйича, шунингдек, федерация субъектларининг камида 1/4 қисмининг талаби ёки ўз таркибида ВЛКСМ аъзоларининг камида 1/4 қисмини бирлаштирган комсомол ташкилотларининг қарори билан чақирилади.

Съездни чақириш муддати ва кун тартиби съезддан камида уч ой олдин эълон қилинади. Съездга делегатлар бошланғич ташкилотлар фикрини ҳисобга олган ҳолда ёпиқ (яширин) овоз бериш билан сайланадилар. Съездга делегатлар сайлаш тартиби ва ваколат нормалари ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг пленуми томонидан белгилаб берилади.

27. ВЛКСМ съезди комсомол турмуши ва фаолиятига доир истисносиз барча масалаларни ҳал этади:

ВЛКСМ СЪЕЗДИНИНГ МУТЛАҚО ВАКОЛАТИГА:

а) — ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва ВЛКСМ Марказий Назорат Комиссияси ҳисоботлари юзасидан қарорлар қабул қилиш;

б) — ВЛКСМ ҳаракатномавий ҳужжатлари ва Уставини қабул қилиш;

в) — ВЛКСМ Марказий Назорат Комиссияси тўғрисидаги Низомни қабул қилиш, ВЛКСМ МНКни сайлаш.

ВЛКСМ съезди комсомол ташкилотлари томонидан сайланган ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аъзоларининг ваколатини тасдиқлайди. Съезд қатнашаётган делегатларнинг кўпчилик овози билан ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котибини ва ВЛКСМ МНК раисини сайлайди.

Федерация субъектларининг 1/4 қисми талаби бўйича ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ва ВЛКСМ МНҚ раисини сайлаш ҳар бир федерация субъекти делегатларининг кўпчилик овози билан ўтказилиши мумкин.

28. Съездлар ўртасидаги даврда комсомол ишини ВЛКСМ Марказий Қўмитаси съезд томонидан белгилаб берилган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириб боради.

Бундан ташқари ВЛКСМ Марказий Қўмитаси:

а) — зарур ҳолларда федерация субъектларининг ҳуқуқларини камситмаган ҳолда ВЛКСМга кирувчи комсомол ташкилотларининг мақомларини ўзгартиради, ВЛКСМ Бутуниттифоқ бирлашмалари ва уюшмаларини рўйхатга олади;

б) — ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленумлари ўртасида комсомол ишини ташкил этиш учун Марказий Қўмита Бюросини тузади;

в) — ВЛКСМ Марказий Қўмитаси биринчи котибини қайта сайлайди, Марказий Қўмитага янгидан вакил қилинганларнинг ваколатларини тасдиқлайди;

г) — «Комсомольская правда» рўзномасининг бош муҳарририни ва редакция уставини тасдиқлайди;

д) — Кундалик ишни юритиш ва ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аппарати фаолиятини ташкил этиш учун Марказий Қўмита котибларини сайлайди;

е) — аппаратнинг тузилишини, штатини, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди.

Эслатма: ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аппарати таркиби ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби томонидан шакллантирилади ва ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси тасдиғига тақдим этилади.

29. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси камида ҳар 6 ойда бир маротаба МҚ пленумларини чақиради. Одатда пленумни чақириш ва кун тартиби пленумдан камида бир ой олдин эълон қилинади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг пленуми ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аъзоларининг камида 1/4 қисмининг ёки федерация субъектларининг сайлаб қўйиладиган органлари камида 1/4 қисмининг талаби билан чақирилади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг пленуми Марказий Қўмитага сайланган аъзоларнинг унда ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

30. Марказий Назорат Комиссияси ВЛКСМ Устави талабларига риоя қилиш, комсомолнинг Марказий органларига ёзилган хат, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини, шунингдек, ВЛКСМ МҚ корхоналари ва муассасалари молиявий-хўжалик фаолиятини, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси бюджетининг ижроси тўғрилигини ва ВЛКСМ МНҚ тўғрисидаги Низомга мувофиқ бошқа масалаларни назорат қилади.

VIII. БУТУНИТТИФОҚ КОМСОМОЛ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ВА РЕФЕРЕНДУМЛАРИ.

31. ВЛКСМ съездлари ўртасидаги даврда ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми ёки федерация субъектларининг камида 1/4 қисмининг ташаббуси билан комсомол шошилинч сиёсий ва ички иттифоқ муаммоларини ҳал этиш учун Бутуниттифоқ комсомол конференцияси чақирилиши мумкин. Конференцияни ўтказиш тартиблари, вакиллилиқ нормаси ва делегатлар сайлаш тартиблари ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми томонидан белгилаб берилади.

32. ВЛКСМ съездлари ўртасидаги даврда Марказий Қўмита пленумининг қарори бўйича ёки федерация субъектларининг камида 1/4 қисмининг ташаббуси бўйича комсомол турмуши ва фаолиятида вужудга келган энг муҳим сиёсий ва ички иттифоқ муаммоларини, шунингдек, ВЛКСМ съезди қарор қабул қила олмаган муаммоларини ҳал этиш учун Бутуниттифоқ комсомол референдуми ўтказилиши мумкин.

Бутуниттифоқ комсомол референдуми ВЛКСМ аъзоларининг ярмидан кўпроғи унда иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади. Референдум қарорини унда иштирок этган комсомолларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз бергандагина қабул қилинган, деб ҳисобланади.

IX. КОМСОМОЛ ВА В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ КАШШОФЛАР ТАШКИЛОТИ

33. Комсомол болаларни ижтимоий ривожлантириш манфаатларида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилоти билан ҳамкорлик қилади, унга моддий-молиявий ва илмий-методик ёрдам беради, кадрлар тайёрлашда кўмаклашади.

Кашшофлар ташкилотига комсомолнинг сайлаб қўйиладиган органларида вакиллари бўлиши кафолатланади. Кашшофлар ташкилотида ишлаётган ВЛКСМ аъзолари тегишли комсомол қўмиталари белгилаб қўйган ўринлар бўйича кашшофлар ташкилотлари кенгаши томонидан сайлаб қўйиладиган органлар таркибига сайланадилар.

X. ВЛКСМ МУЛКИ

34. ВЛКСМ мулкига пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, комсомол ташкил қилаётган корхоналар, ВЛКСМ аъзоларининг манфаатлари йўлида ҳаракатномавий ва Устав вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа буюмлар киради.

Бошланғич, ноҳия, шаҳар, мавзе, вилоят, ўлка, жумҳурият комсомол ташкилотлари, федерация субъектлари, ВЛКСМ ўзларининг сайлаб қўйиладиган органлари тимсолида ВЛКСМ мулкининг ўз даражалари миқёсида шаклланган ўша қисмига эгалик қиладилар ва ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар. Федерация субъектлари ВЛКСМ Марказий Қўмитаси даражасида шаклланган ВЛКСМ мулкига жамоа тарзида эгалик қиладилар.

Агар ташкилот ВЛКСМ таркибидан чиқадиган бўлса, мулк масаласи у билан ўз юқори сайлаб қўйиладиган органи томонидан ҳал қилинади.

Комсомол ташкилоти ёки унинг сайлаб қўйиладиган органи тугатиладиган тақдирда мазкур ташкилот олий органи (съезд, конференция ёки умумий йиғилиш) ёки юқори орган ВЛКСМ ҳаракатномавий ҳужжатлари ва ВЛКСМ Уставида назарда тутилган мақсадларни амалга ошириш учун ҳуқуқий шахс бўлган мулк соҳибини белгилайди.

35. Комсомол ташкилотлари корхоналар, нашриётлар, ёшлар рўзномалари ва жарида редакциялари, муассасалар, хўжалик ташкилотлари тузишлари, ташқи иқтисодий фаолият олиб боришлари мумкин. Уларни тузиш, фаолият кўрсатиши, тугатиш ва қайта тузиш тартиблари ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва федерация субъектларининг сайлаб қўйиладиган органлари томонидан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятлар қонунларига мувофиқ белгиланади.

36. ВЛКСМнинг пул маблағлари аъзолик бадалларидан, комсомол ташкилотларининг тадбирларидан тушадиган маблағлардан, сайру-саёҳат ва ташқи иқтисодий фаолият даромадларидан, комсомол қўмиталари ёки улар иштирокида тузилган ноширлик ва нашрлар, корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг фойдалари тушумларидан ёки улар фаолиятининг бошқа турларидан ҳосил бўлади. Шунингдек фуқароларнинг, корхоналарнинг ва хорижий ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ВЛКСМ даромади бўлиши мумкин.

ВЛКСМнинг бюджети қуйидан юқорига қараб шаклланади.

37. Ойлик аъзолик бадали қуйидагича миқдорда белгиланади:

— ойига 100 сўмгача даромад оладиганлар — 0,5 фоиз;

— ойига 101 сўмдан 150 сўмгача даромад оладиганлар — 1,0 фоиз;

— ойига 150 сўмдан кўп даромад оладиганлар — 1,5 фоиз тўлайдилар.

ВЛКСМ аъзоси бўлган нафақа олмайдиган ўқувчилар ва талабалар аъзолик бадалини фақат ишлаб топилган маблағлардан тўлайдилар.

Даромад олмайдиган ВЛКСМ аъзолари ҳомиладорлик отпускасида ёки фарзанд парвариши бўйича таътилда бўлганлар, шунингдек, ижтимоий суғурта жамғармасидан нафақа олувчилар бошланғич ташкилотнинг қарори билан аъзолик бадали тўлашдан озод қилиниши мумкин.

Бошқа ишлардан озод қилинган комсомол ходимларидан ташқари ВЛКСМ ҳисобида турадиган КПСС аъзолари, комсомол аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилинадилар.

ВЛКСМнинг штаб-уйи Москва шаҳрида жойлашган.

Хорижлан хабарлар

МИСР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БАЁНОТИ

✦ ҚОҲИРА. Исроилдаги баъзи доиралар босиб олинган араб территорияларида қароргоҳлар барпо этишни кучайтиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларини Миср зўр ташвиш билан кузатиб турибди. МЕНА агентлигининг хабар қилишича, Миср Араб Жумҳурияти Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили шу ҳақда гапирган.


Бош вазир Ицхак Шамир яқинда маъқуллаган режалар, дейилади баёнотда, Яқин Шарқдаги можарони тинч бартараф этиш йўлидаги куч-ғайратларга, шубҳасиз, жиддий тўсиқ бўлади.

* * *

Миср тинчлик сари ҳаракат қилишдан манфаатдор бўлган Исроилдаги барча кучларни босиб олинган ерларда янги яҳудий қароргоҳлари барпо этиш режаларини барбод қилиш учун қатъий чоралар кўришга чақиради.

Миср хавфсизлик кучлари Наср шаҳрида Банг савдогарлари шоҳобчасини тугатди. Операция чоғида бир миллион Миср фунти миқдоридаги героин тортиб олинди. «Ахбор ал-яум» рўзномасига полиция вакилининг хабар қилишича, бу мусулмонларнинг муқаддас Рамазон ойи кунларида наркотик моддалар билан савдо қилишга қарши ўтказилган тўртинчи катта операциядир. Ана шу кенг миқёсли тадбирлар чоғида 300 дан кўпроқ киши ушланди. Тортиб олинган наркотик моддаларнинг қиймати ўнлаб миллион фунт билан ўлчанади.

(ТАСС).



Сиз суратда мусулмон оламининг муқаддас саждагоҳи Макка шаҳридаги Каъба ибодатхонасини кўриб турибсиз. Каъбанинг шимоли-шарқий томонидаги токча энг азиз ҳисобланади. Чунки бу ерда Қоратош — Хажар ул — асвад ҳамда Қуръоннинг қадимий қўлёзмаси сақланади. Каъба атрофидаги ҳажга келувчилар йиғиладиган майдонда бир йўла 300.000 дан зиёд киши намоз ўқиши мумкин.

Шу кунларда қутлуғ айём — ийд Рамазонни нишонлаётган Ислом динига эътиқод қўйган Ер юзидаги бир миллиарддан зиёд кишининг нигоҳи ушбу мўътабар даргоҳга қаратилган.

Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. Бу ерда АҚШ маъмурияти билан АҚШга келган Европа иқтисодий ҳамжамияти олий вакиллари ўртасида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари хусусида музокаралар бўлиб ўтди. Бу Вашингтон билан Брюссель ўртасида ҳар йили икки марта олий даражада маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги келишув доирасида ўтказилган биринчи музокарадир. Америка делегациясига давлат секретари Жеймс Бейкер, Европа ҳамжамияти делегациясига Европа иқтисодий ҳамжамияти комиссиясининг раиси Жак Делор бошчилик қилишди.

Учрашув тугаганидан сўнг мухбирлар билан қўшма учрашув чоғида АҚШ ташқи сиёсий маҳкамаси бошлиғи шарқий Европа, жумладан у ерда рўй бераётган «сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни» музокаралар марказида бўлганлигини таъкидлади. Давлат секретарининг сўзларига қараганда, ушбу масала юзасидан фикрлашув «бу регион Қўшма Штатлар ва Европа ҳамжамиятининг ҳамкорлик қилиши учун муҳимлиги ҳақидаги бизнинг умумий нуқтаи назаримизни» акс эттирди.

МАНАГУА. Никарагуа олий сайлов кенгашининг раиси Мариано Фиальос жумҳурият президенти мандатини Виолета Барриос де Чаморрога топширди. У шу йил 25 февраль куни бўлиб ўтган ялпи сайловда мамлакат олий давлат лавозимига сайланган эди. Вице-президент мандатини Вирхилило Годой олди.

Президентлик мандатини тантанали топшириш маросимида сўзга чиққан Виолета Барриос де Чаморро Никарагуада «демократияни ўрнатиш» босқичи бошланаётганини айтди. Виолета Барриос де Чаморро унинг ҳукумати миллий ярашга эришиш учун бутун куч-ғайратни сарфлайди, деб таъкидлади.

БРЮССЕЛЬ. Ғарбий Европа иттифоқи кенгашининг Бельгия пойтахтида бўлиб ўтган сессияси одатдан ташқари — якунловчи баёнот қабул қилиш билан тугалланди. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари билан шуғулланишга ҳақли бўлган Ғарбий Европадаги бу ягона ташкилотнинг олий раҳбар органи иши тўғрисидаги расмий ҳужжат охирги марта 1987 йилда эълон қилинган эди.

Шарҳчиларнинг тахминларига кўра, бу унинг раҳбарияти иттифоқ фаолиятини кучайтиришга интилаётганидан далолат беради. Иттифоқ кўп йиллар давомида НАТОнинг соясида қолиб, унга фақат ғарбий уюшманинг «Европадаги таянчи» сифатида қараб келинди. Кейинги пайтда кўпгина шундай белгилар ҳам пайдо бўлдики, унга кирувчи тўққизта мамлакат — Буюк Британия, Бельгия, Испания, Нидерландия, Италия, Люксембург, Португалия, ГФР — Ғарбий Европа иттифоқини фақат ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи бирлашма деб эмас, шу билан бирга Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотнинг воситаларидан бири деб ҳам билишмоқда. Буни баёнотнинг кенгаш Ғарбий Европа иттифоқининг бош секретарига «ўзаро ахборот айирбошлаш мақсадида» Шарқий Европа мамлакатлари билан алоқа ўрнатишни топширган банди ҳам исботлайди.

БОНН. Ўнг экстремистик ташкилот «Скинхедс» — «сочини қириб олдирганлар»нинг сурбетларча ҳатти-ҳаракати ГФР илғор жамоатчилигининг ғазабини қўзғатди. Маст бўлиб олган неонацистлар Ғарбий Германия пойтахти марказида урйиқит қилдилар. Улар йўловчиларга ташланиб, уларни шафқатсизларча калтакладилар ва тепдилар. Шундан кейин жазаваси тутган бу ёшлар автомобилларни ағдариб ташлашга, магазинлар ва жамоат муассасаларидаги ойналарни синдиришга киришдилар.

Бу ерга етиб келган полиция тартибсизликни бошлаб берганларни қамоққа олишга муваффақ бўлди. Тахминан 15 неонацистдан иборат гуруҳ қўлга олинганларни озод қилишга уриниб кўрди. Бироқ полициянинг кучайтирилган нарядлари шаҳардаги осойишталик ва тартибни тиклашга эришди, дея хабар берди ДПА ахборот агентлиги.

ВАШИНГТОН. АҚШ Перуга наркобизнесга қарши кураш операцияларида қатнашиш учун ҳарбий ходимларни тайёрлаш ва ўқитишда ёрдам беради.

АҚШ давлат департаменти вакили Маргарет Татуайлернинг хабар беришича, икки мамлакат ўртасида мазкур масала юзасидан музокаралар тугалланди. Унинг сўзларига қараганда, Перуга 35 миллион долларлик ҳарбий ёрдам берилиши — бу АҚШ Президенти Жорж Буш ўтган йил сентябрь ойида тақдим этган наркобизнесга қарши кураш кенг программасининг таркибий қисмидир.

«Қўшма Штатлар Перу ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш, бу мамлакат ҳарбий-ҳаво кучларини қайта қуроллантириш билан шуғулланади ва Перу ҳарбий-денгиз кучларига ёрдам беради», — деди давлат департаменти вакили. Перуга юбориладиган 10-15 америкалик инструктор «у ёки бу операцияларда иштирок этмайди» деб таъкидлади у.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

40 КИЛОГРАММЛИ БОДРИНГ

✦ ХОҲ ИШОНИНГ, хоҳ ишонманг, Бразилиянинг Паран штатида яшовчи фермер Фернандо Рибейро етиштирган бодринг оғирлиги 40 килограмм келди. Бу антиқа кўз кўриб, қулоқ эшитмаган маҳсулотнинг узунлиги 1 метру 17 сантиметр бўлиб, етти ёшли бола бўйига тенгдир. «Гиннеснинг рекордлар китоби»да австралиялик олимлар етиштирган 22 килограммли бодринг қайд этилган экан. Демак Рибейронинг бодрингини жаҳонда энг катта деб ҳисоблаш мумкин.

ОЗИШНИНГ СИРИ

✦ АМЕРИКАЛИК 49 ёшли Боб Аделман исмли кишининг оғирлиги 137 килограмм бўлиб, кўпдан буён озишни орзу қилиб юрарди. Врач унга антиқа дори ёзиб берди. Энди Боб ҳар куни врач берган анкетага тамадди қилган овқатининг номини, тахминий оғирлигини, овқатланиш вақтини, ким билан ва қаерда овқатланганини ва ҳоказоларни ёзиб бориши шарт эди. Ёзишлардан тинкаси қурий бошлаган Аделман аста-секин нонушта ва тушки овқатдан воз кеча бошлади. Натижада, бир йилдан кейин унинг вазни 85 килограммга тушиб қолди.

НАПОЛЕОННИНГ ФАРОСАТСИЗЛИГИ

✦ ЯҚИНДА швециялик бир киши кимошди савдосида жуда қиммат нархга Наполеон Бонапартнинг шахматини сотиб олди. Бир куни у шахмат доналаридан бирининг буралиб очилишини сезиб қолади. Дона ичидан қочиш режаси ёзилган мактуб чиқади. Маълум бўлишича, 1816 йили император дўстларидан бири Наполеон жазо муддатини ўтаётган илоҳий Елена оролига шахмат юборади. Афсуски, Бонопарт шахмат донасидаги «сир»ни фаҳмламай, қочиш режасини билолмай қолган.

ХИЗМАТ ҲАҚИГА — ЖАЗО МУДДАТИ ҚИСҚАРДИ

✦ КУАЛА - ЛАМПУР шаҳридаги қамоқхонада жазо муддатини ўтаётган бир йигит қамоқхона бошлиқлари билан антиқа шартнома тузди. Жиноятчи бино деворларига турли расмлар чизиб беришни ваъда қилди. Профессионал мўйқалам устасининг қўли билан қамоқхона деворларига ўрмон, дарё, кўл ҳамда турли ҳайвонлар расмлари чизилди. Бошлиқлар жиноятчининг хизмат ҳақи учун унинг жазо муддатини бир йилга қисқартирдилар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

Жилға № 3


Жумҳурият талабаларининг хабарномаси

1. Ҳозир олий ўқув юртлари учун энг катта муаммо ўқув дастурини янгилаш, ўқитиш услубини ўзгартириш. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

2. Олий маълумотли мутахассислар сони кўпайиб боряпти, бироқ билим савияси кўнгилдагидек эмас. Нима учун?

3. АҚШ ўқитиш системасига таққослайдиган бўлсак, бизда қандай камчиликлар мавжуд?

4. Ҳозирги ёшларимиз ҳақида нима дея оласиз?



А. ҚОДИРОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент Давлат дорилфунунида дарс беради. У яқинда АҚШдан тажриба алмашиб қайтди. «Жилға» мухбири ЖАҲОНГИР, домлага юқоридаги саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида А. Қодировнинг жавобларини ўқийсиз.

Нонни новвой ёпмаса

1. Даставвал шуни таъкидлаш лозимки, ҳали бизда олий таълимни қайта қуриш фақат оғизда, нари борса, қоғозда амалга ошмоқда. Назаримда, ўқув системамизда фақат шакл ўзгаряпти, мазмун эса ҳамон аввалгидек. Менинг фикримча, олий ўқув юртларини тезликда тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш керак. Олий таълим системаси косметик тузатишни эмас, йирик жарроҳлик операциясини тақозо этади. Мен Тошкент дорилфунунининг муаллими сифатида ўтган йили АҚШнинг Вашингтон университетида деярли 10 ой ўқув ва илмий ишларнинг ташкилий томонлари билан танишиб қайтдим. У ерда олган маълумотларим жумҳуриятда таълим ва маориф ишини қайта қуриш учун фойдали деб ҳисоблайман. Бироқ, буни амалга ошириш учун мустаҳкам замин йўқ. Қолаверса, кўпчилик ҳали бунга тайёр эмас, шунинг учун уларда олий таълимни ўзгартиришга ҳам майл йўқ...

2. Гапнинг пўст калласини айтсам, агар жумҳуриятимиз 1991 йилдан иқтисодий мустақилликка ўтадиган бўлса, ҳеч қўрқмасдан олий таълим системасидаги номига ишлаб келаётган, давлат, халқ нонини «туя» қилаётган ўқитувчиларни, шунингдек, лаёқатсиз, қобилиятсиз талабаларни ҳам «туя» қилиб қисқартириш лозим. Ҳаёт, давр тақазоси — сон эмас, балки сифатдир. Сифат бўлганда ҳам жаҳон кўрсаткичлари даражасида бўлиши керак. Акс ҳолда жумҳуриятимизни ҳозирги аянчли аҳволдан чиқариш амри-маҳол. Ҳозирги дамда дорилфунуннинг айрим факультетлари ва кафедраларида юксак маълумотли ўқитувчилар фоизи жуда катта. Ахир нонни новвой ёпмаса, темирга темирчи ишлов бермаса, сифат ҳақида, замон талабига мос мутахассисни тайёрлаш борасида қандай гап бўлиши мумкин?! Дарҳақиқат, талабаларимиз етарли маълумотсиз диплом олмоқдалар. Бизда оддий ошқозон оғриғи билан кўричакнинг фарқига бормайдиган шифокорлар, ерни тушунмайдиган агрономлар, фанини юзаки биладиган ўқитувчилар кўпайиб кетди. Менимча, олий ўқув юртларидан чиқаётган мутахассисларнинг савияси таълим берувчиларнинг илмий ва маънавий даражасига бевосита боғлиқдир. Бу аччиқ бўлса-да, ҳақиқат. Ҳар бир ишнинг ўз «усто»си бўлиши керак. Ана шундагина биз қисман бўлса ҳам, қилаётган ишимиз бекор эмаслигига амин бўлишимиз мумкин.

3. АҚШ билан бизнинг таълим системамизни солиштиришнинг ҳожати йўқ. Ҳозир уларда ҳам ўзига хос муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Ҳамкасб дўстларим — Вашингтон дорилфунунининг профессорлари Стив Кэрр ва Жеймс Бэнксларнинг фикрича, АҚШ таълим системаси ҳам мукаммал эмас. Бу ерда компьютерсозлик, ҳисоблаш техникаси ва электроника бўйича Япония, Жанубий Корея ва Тайваннинг илгарилаб кетишидаги асосий сабаб, улардаги замонавий таълим системасидадир, деб ҳисоблашмоқда.

4. Мен ҳам ёшман. Ёшлар — келажак ижодкорлари; гоҳида асов отга ўхшашади. Уларни бошқариш, етаклаш лозим. Жамиятда эҳтиёжлар океани мавжуд, десам янглишмайман. Дард, яра кўп. Энг муҳими, жамиятимиз дардини ўз дардимиз каби тушуниш онги даражасига кўтарила олишимиз лозим. У ёғи ўз-ўзидан кўриниб қолади: йўл ҳам, мақсад ҳам. Бироқ кўр-кўрона ҳаракат қилиш ярамайди. Беҳудага митингбозлик, намойишбозлик, безорилик билан шуғулланаётган айрим ёшларга ачинаман. Биз миллатимизни, маданиятимизни мушт билан эмас, балки билим, илм-маърифат билан кўтаришимиз керак.

Доно халқимиз «билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқади», деб бежиз айтмаган. Билим — қудратли куч. Биз, зиёлилар билим йўлидан борамиз. Талабаларимизни ҳам тинч йўл билан, билим билан халқимизга, маданият равнақига хизмат қилишга чақирамиз.

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Абу Али ибн Сино номи билан аталувчи Марғилон тиббиёт билим юрти ўқитиш системаси олий ўқув юртларидагидек маъруза ва семинарлар кўринишида қурилган жумҳуриятимизда ҳозирча ягона ўрта-махсус ўқув юртидир. Билим юрти ўтган йили ўзининг чорак асрлик тўйини нишонлади.

— Икки марта ётоқхоналар бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ кўригида ғолиб чиққанмиз, — дейди талабалар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Қодиржон Эшонов.

Ётоқхоналарни кўздан кечириб, аҳвол ҳавас қилса арзигудай эканини кўрдик. Асосан қизлар яшагани учунми, ҳамма жой рисоладагидек саранжом-саришта. Ҳар қайси қаватда иккитадан дам олиш бурчаги. Тўрга ойнаи жаҳон қўйилган. Деворларда билим юрти тарихи, бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар, санъат асарлари. Фарзандларини кўришга келган ота-оналар учун меҳмонхона ажратилган... Ҳақиқатан, бошқа кўп жиҳатлари билан бу оромгоҳ Тошкент талабалар шаҳарчасидаги бизга таниш ётоқхоналардан устун эканини эътироф этишимиз керак.

Лекин, афсуски, булар масаланинг фақат бир томони, холос. Чунки, билим юртининг 1451 нафар талабасидан 395 тасигина ётоқхона билан таъминланган. Яъни, бу кўрсаткич ўттиз фоизниям ташкил қилмайди. 280 талаба ижарада яшайди, қолганлари... уйдан қатнайди. Ҳукуматимиз қарорига мувофиқ яқиндан бери ижарада яшовчилар учун ҳар ойига ўн сўмдан пул бериляпти. Аммо, бировнинг хонадонида, уй эгаларининг қош-қовоғига қараб яшаётган талабанинг мушкули бу билан осон бўлиб қолмаслиги аён.


Билим юрти аҳли шу масалада ёрдам сўраб Марғилон шаҳар ижроия қўмитасига бир неча бор мурожаат қилган. Шаҳар раҳбарлари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг эндиликда ёпилган филиали биносини билим юрти ихтиёрига бериш ниятида эканликларини айтишди.

Ҳозирча, билим юрти тарафга автобус қатнамайди. Энг яқин бекатгача ҳам бир чақиримча пиёда йўл босиш керак. Наҳотки бир ярим мингга яқин талабанинг йўлини яқин қилиш учун транспорт қатновини йўлга қўйиш мушкул бўлса?! Устига устак билим юрти атрофида бирорта газета дўкони йўқ.

Ётоқхоналарнинг етишмаслиги (шу жумладан ётоқхоналардаги хоналарнинг қулфкалитсизлиги, овқатларнинг талаб даражасида эмаслиги, кир ювиш хоналарининг етишмаслигини ҳам эътироф этмоқчимиз), ўзбек тилидаги дарсликларнинг камлиги, борлариям русчадан таржима қилиниб, то етиб келгунча эскириб қолаётгани — буларнинг барчаси ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Лекин талабалар ҳам бўш келишаётгани йўқ. «Ҳамширалик иши» бўлимида ўқиётган М. Абдуллаева, Н. Тошматова, М. Абдуҳамидова, Л. Абдураззоқова, «Доришунослик бўлими»дан Ҳ. Акбаров, Г. Раҳмонова сингари ўнлаб талабалар қийинчиликларга қарамай, аъло ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. «Борига барака» деганларидек, бўлажак шифокорлар ҳозирча бор имкониятдан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Янада яхшироқ кунларга умидвор кўз тикмоқдалар.

Анвар ЭМИН,
«Жилға» махсус мухбири.



«Фарзанд бахти — ота-она бахти» — деб бежиз айтмайди халқимиз. Раъно Собированинг оиласида 13 жон бор. У оддий деҳқон қизи. Раъно бўлажак муаллима. Хоразм педагогика Олий ўқув-юрти кимё-биология факультетининг 4-босқич толибаси. Мана уч йилдирки, барча фанлардан «аъло» кўрсаткичларга эришмоқда.

Сураткаш Ж. Бобораҳматов.

Истак

Кўпдан ўйлайман. Машриқ замин ҳаётига қизиқмайдиганлар деярли топилмаса керак, бизда. Кунчиқар давлатлари халқи маданияти, ғаройиб урф-одатлари илгаридан бизни ўзига ром этиб ҳайратга солган. Ҳаммамизга маълум, азалий мавжуд маданий робиталаримиз қудратигина ҳамтанлилик ва ҳамфикрлиликнинг асосий мезони бўлиб келди. Адабий муносабатлар ижобати ила ривож топди бу.


Гапнинг қисқаси, ушбу боғлиқлик риштасини янада қалинлаштирмоғимиз лозим. Тобора яқинлашсак...

Очиғини айтиш керак. Шарқ мамлакатларида айни пайтда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан мунтазам хабардор бўлолмаяпмиз. Марказий ва жумҳуриятимиз матбуоти улардаги ўзгариш ва залворли муаммоларни тўла-тўкис баён этиш имконига эга эмаслиги табиий. Шу боис, ҳеч бўлмаганда Япония. Хитой, Мўғилистон, Покистон, Афғонистон, Сурия ҳамда Туркия давлатларининг тараққийпарвар рўзномаларига ёзилсак, дейман.

Бу йилдан бошлаб истаганча хориж матбуотига чекланмаган миқдорда обуна бўлиш валюта ҳисобига амалга ошуви ҳақида гаплар бор... Қанийди, компьютер асосида табақаланган шамойилдаги рўзномалар қўлимизга тегса. Йигирма биринчи аср бўсағасидаги авлод дунёқараши янада камол топармиди...

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

Талабалар ижодидан



Ўн саккизинчи найсон муножоти

Кўкрагимда қарир
зимистон;
Қор остида қақшайди
қушлар.
Қароғимда қарғалар
қишлар.
Ўтинчлардан музлаган
забон
Фарёдидан музлар
оломон —
Мен суйганим
Қуёшнинг қизи.
Кўкрагимда эрир
зимистон;
Совуқ бир оҳ бўғзимда
синар,
Сўнгги нигоҳ кўзимда
тинар.
Қовурғамни синдирган
исён
Парчаларин терар
оломон —
Юрагимда саробнинг изи.

Босинқираш

Бошимда фалаклар
қулади ногоҳ;
Сабримнинг кўзида
дунёлар толди,
Гуноҳлар қўлимга
кишанин солди,
Мен бу кун ғафлатдан
бўлганда огоҳ.

Тирикчилик ва амал

Муҳаммад Иқболдан.

Деди соҳил: гарчи мен умр кўрдим қанчалар,
Аммо нелигимни, оҳ, билолмайин ҳалак мен.
Шаккоклиги тутди-ю, бир мавж кўпириб деди:
Тирикман гар тўлғонсам, тинсам — демак ўлдим мен.

Зариф ҲИКМАТЗОДА.



Тўртлик

Тириклик — топганинг
сармоя,
Бахтлисан ўз нафсинг
кулганда.
Онам айтар: «Одамнинг
кўзи
Тўяди... тупроққа
тўлганда!»

Туш

Кўзларимда мудрайди
уйқу,
Қизиқ, юрагимда таниш
ҳис —
Муҳаббат деб аталган
туйғу,
Зулумотда кўринар бир
қиз.
Қаршимда турарди у
сўзсиз,
Айрилганман шу чоқ
эс-ҳушдан.
Кетиб қолма, эй париваш
қиз,
Айирмагин мени бу
тушдан!

Паҳлавон ТУРҒУНОВ.

Францияда талабалар анжумани

«ИЛ-86» тайёраси Парижнинг Шарль-де-Голь аэропортига яқинлашар экан, Гюгонинг машҳур асарида тасвирланганидек, Франция пойтахти қуш баландлигидан жуда ҳам гўзал ва афсонавий бўлиб кўринарди...

Бизни қўлида «Европа талаба-журналистларининг анжумани» деб ёзилган эълон тахтачасини кўтариб турган жингалак сочли француз йигити кутиб олди. Инглиз тилида мезбон билан саломлашиб, Тошкент дорилфунунидан келганлигимизни айтдик. Пьех ташқарида турган енгил машинага таклиф этаркан, Нант шаҳригача бўлган масофа тахминан 400 чақирим чиқади, йўлда толиқиб қолмаслик учун Парижнинг ўзида тушлик қилиб олсак, деб, таклиф қилди. Бажонудил розилик бериб, Эйфель минораси томон йўл олдик...

1986 йилдан бошлаб, ҳар йили апрель ойида Европанинг турли дорилфунунлари ва журналистика мактабларининг талабалари ўзларининг анъанавий анжуманларини ўтказишади. Ўтган йили Финляндиянинг Тампере шаҳрида навбатдаги анжуманни Нант шаҳрида ўтказишга келишиб олинганди. Ўзининг машҳур футбол командаси билан донг таратган, 500 минг аҳолиси бор Атлантика океанининг соҳилига жойлашган бу гўзал шаҳарга, иттифоқимизнинг етти илғор дорилфунунлари қатори ТошДД журналистика факультетининг талабалари ҳам таклиф этилган эди.

Тўрт кун давом этадиган «Журналистика ва иқтисод» мавзусидаги талабаларнинг ушбу анжуманига курсдошим Раҳимжон Маҳкамов билан тўрт ой тайёргарлик кўрдик. Мана шу тўрт ой ичида кирмаган идорамиз, тўлдирмаган қоғозимиз, у ёки бу ҳужжатимизга «табаррук» имзосини чекиб беришини илтимос қилмаган кишимиз қолмади, ҳисоб. Ҳатто дўстим Раҳимжондан, Талабалар шаҳарчасидаги 32-соғлиқни сақлаш марказида, биргина «саломатлиги жойида» қабилидаги қоғоз олиши учун шаҳар наркологик ва руҳий касалликлар диспансерларидан ҳужжат келтиришни талаб қилганларини эслаб, ҳали ҳам кулгимиз келади.

Бу, албатта, анжуманда иштирок этишга муяссар бўлганимиздан нолиш эмас, балки ҳалигача ҳукм суриб келаётган, ҳатто талабаларимизнинг, оддий кишиларнинг хорижга чиқиб-келишлари учун тўсиқ бўлаётган қоғозбозлик ва маҳкамачилик тартибларига афсуслар айтиш холос.

Анжуманда Европанинг 22 мамлакатидан 170 талаба иштирок этди. Бўлажак журналистлар ўн уч баҳс-мунозара марказида турли йўналишлар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Дўстим билан иккимиз «Журналистикада тижорат ва санъат», «Журналист терговчи сифатида», «Тижорат асосидаги телевидение», «Журналистика ва мақолалар сифати», «Сенсацион (шов-шувли) журналистика» каби баҳс-мунозараларда қатнашар эканмиз, Ўзбекистон ҳақида, биздаги экологик муаммолар тўғрисида гапириб бердик. Чет эллик тенгқурларимиз биздаги иқтисодий, ҳуқуқий, миллий масалалар ҳақида ўта қизиқувчанлик билан фикр алмашишди.

Мени мана шу анжуман ишида лол қолдирган нарсалардан бири, бу биз учун кутилмаган даражадаги муносабатларнинг одмилиги ва самимийлиги бўлди. Анжуманнинг ташкилотчилари, яъни Нант шаҳрида жойлашган оммавий ахборот ва тарғибот воситаларининг бўлажак мутахассисларини тайёрловчи «илмий қўмита» талабалари бу катта йиғиннинг нафақат расмий, балки норасмий қисми ҳам жонли ва қизиқарли ўтишига ҳаракат қилдилар. Нант шаҳри бўйлаб ўтказилган саёҳат ёки истак билдирганлар учун уюштирилган анжумандан кейинги уч кунлик Британия бўйлаб саёҳат бунинг ёрқин далилидир.

Юқорида мен тилга олган «илмий қўмита» ҳар олти ойда 25 нафардан, турли коллежларни тугатган талабаларни ўқишга қабул қилади. Бу ерда бўлажак журналистларни қандай тайёрлашларини мен батафсил гапириб ўтирмайман, албатта. Фақатгина изоҳ талаб қилмас икки нарсани айтиб кетишни истайман: журналистика мактабидаги ҳар бир талабанинг тайёрлов столида шахсий тилсим (компьютер) ўрнатилган бўлиб, телевизион кўрсатувлар хонасидаги асбоб-ускуналар эса энг сўнгги ясамадаги «Сони», «Панасоник» фирмаларининг маҳсулотларидир.

Францияда, халқаро талабалар анжуманида иштирок этарканмиз, ўзимизнинг шахсий синовимиз туфайли, талабаларимиз учун инглиз, француз, немис тилларини пухта билиш нақадар зарур эканлигига яна бир карра иқрор бўлдик.


Ҳа, биз анжуман кунлари ҳам инглиз, ҳам немис тилларида ўз билимимиз даражасида мулоқот қилишга ҳаракат қилдик. Дорилфунун домлалари мени кечирсинлару, лекин мана шу беш кун ичида, мен беш йил давомида дарсликдан инглиз тилини ўрганганимдан кўпроқ тажриба орттирдим, десам ёлғон бўлмайди. Менимча, бу талабаларимизга нақадар жонли мулоқотнинг, тил тажрибасининг етишмаслигига исбот бўлса ажабмас. Жумҳуриятимиз мустақиллик сари кетаётган, жаҳон бозорига чиқиш арафасида турган бир вақтда хорижий тилларни пухта билмайдиган мутахассисларимиз камлигига раҳбарларимиз ўз эътиборларини қаратмоқликлари зарурлигини, фақат қарорлар чиқариш билан чекланмасдан, амалда ўқиш ва ўқитиш системасини тубдан ўзгартиришлари кераклигини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Талабалар анжуман кунлари қатор машҳур журналистлар билан ҳам учрашиш имкониятига эга бўлдилар. «Иқтисодий матбуотнинг журналистларга таъсири» маърузаси билан чиққан «Франс Пресс» агентлигининг раиси Мишель Ватьенинг ёки «Журналистиканинг Европадаги ҳамкорликда тутган ўрни» ҳақида баҳс юритган «Котиден де Пари» рўзномасининг мухбири Эммануэль де Врантье, 1-миллий француз телекўрсатувларининг муҳаррири Бернард Волькерларнинг фикр-мулоҳазалари талаба-журналистларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Европанинг турли журналистика мактаблари раҳбарлари финляндиялик К. Норденстренгом, лондонлик Д. Туллодж, москвалик Я. Засурскийлар билан ўтказилган давра суҳбати ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Анжуманнинг сўнгги куни ўтказилган мунозаралар натижасида 1991 йил апрель ойидаги учрашувлар Совет Иттифоқининг Ленинград шаҳрида ўтказилиши бир овоздан қабул қилинди. 1992 йилнинг баҳорида талабаларни халқаро анжуманга грециялик талабалар ўз юртларига таклиф қилдилар.

Франциядан қайтарканмиз, бу тарихда учрашувларнинг дўстлик учун, халқларнинг, давлатларнинг бир-бирига ишонч кўзи билан қараши учун, қолаверса, Ўзбекистон журналистикасининг равнақи учун қанчалар зарур эканлигини яқиндан ҳис қилиб келдик. Дўстим Раҳимжон ҳатто бир ғояни ўртага ҳам ташлаб қолди: «Қандай бўларкин, агар биз Тошкентда биринчи маротаба Осиё талаба-журналистлари анжуманини уюштирсак» деб. Бунга имконият топа оламизми, йўқми — келажак кўрсатади.

Равшан АЛИМОВ.



Нант шаҳрида жойлашган журналистика мактаби замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Сиз кўриб турган суратда бўлажак матбуот мутахассислари дарс вақтида.

РАҚАМЛАР ФОШ ҚИЛАДИ

Иттифоқнинг 898 олий ва 4517 ўрта махсус ўқув юртларида 9,4 миллион талаба таҳсил кўради. Ётоқхонага муҳтож талабаларнинг 81 фоизи жой билан таъминланган. Олий ўқув юртлари ётоқхоналарининг ўзидагина 520 мингта жой етишмайди.

●

Тиббий назоратнинг ривожланмаганлиги ва ошхоналарда тайёрланаётган таомларнинг сифатсизлиги натижасида талабаларнинг 40 фоизга яқинида ошқозон-ичак, юрак ва асаб касалликлари кузатилмоқда.

●

Ҳозирги вақтда олий ўқув юртлари талабаларининг 18 фоизи оила қурган. Аммо ётоқхонага муҳтож оилали талабаларнинг 55 фоизигина жой билан таъминланган.

●

Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини талаб даражасида ташкил этиш учун 18 миллион квадрат метр ўқув лаборатория майдони танқислиги бор.

●

Иттифоқимизда биргина муҳандис тайёрлаш учун 5,8 минг сўм ажратилса (шундан 5 фоизи ускуна-жиҳозлари учун), АҚШда бу кўрсаткич 80 — 100 минг долларни (шунинг учдан бир қисми ускуна жиҳозлари учун) ташкил этади.

●

Ҳозирги кунда мамлакатдаги 9,2 миллион турли даражадаги раҳбар ходимларнинг 44 фоизигина олий маълумотли. Ҳар еттинчи раҳбар ходим ҳатто тўлиқ ўрта маълумотга эга эмас.

●

ЮНЕСКОнинг ҳисоб-китобига қараганда, СССР ёшларнинг интеллектуал даражаси бўйича жаҳонда 42-ўринда туради. Ваҳоланки, у 1953 йилда 3-ўринда эди.

●


Экспертларнинг фикрича, 2000 йилга бориб олий таълим соҳасида олдинга силжишлар бўлиши учун 2,5 — 3 миллиард сўм миқдордаги капитал қўшимча маблағ ажратиш лозим.

Хабарнома Р. АЛИМОВ, Қ. НОРҚОБИЛОВ, Ж. НАҲАНОВ, А. ЭМИНОВлар иштирокида тайёрланди.

«Шоядки тақводор бўлсак»

Бугун жаҳоннинг турли қитъаларида истиқомат қилаётган 1 миллиарддан ошиқ мусулмонлар ийди-Рамазон айёмини ўзгача хурсандчилик билан кутиб олдилар. Жумҳуриятимиздаги 300 дан кўпроқ масжидлар эрта тонгданоқ ибодатга келувчилар билан тўлди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг раиси, СССР халқ ноиби, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари мухбиримиз билан бўлган суҳбатда ўлка мусулмонларини ийди-Рамазон айёми билан табриклаб қуйидагиларни гапириб бердилар.





— Муҳтарам Муфтий ҳазратлари, бугун бутун мусулмон оламининг шодлиги ғоятда чексиз. Бунинг боиси эртага бўладиган ийди-Рамазоннинг нишонланиши. Сиз билан ана шундай улуғ айём арафасида суҳбатлашаяпмиз. Рўзномамиз ўз муштарийларига теккан лаҳзаларда эса бутун дунёда, шу жумладан, жумҳуриятимизда ийди-Рамазон намозининг ўқилганига бир неча соатлар бўлган бўлади, холос. Шу туфайли авваламбор Сизни ва барча қавмингизни улуғ айём билан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим. Вассалоту Вассалому аъло Расулолло. Самимий табриклар учун ташаккур. Биз ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъати номидан шу ўлкалардаги барча мўмин-мусулмон биродарларимизни севинч, соғинч, меҳр-шафқат, мурувват, имон, эътиқод, салоҳият каби инсоний фазилатларни намоён қилишга даъват этувчи Рамазони шариф ойининг шукронасини келтириш куни бўлган ийди-Рамазон куни билан қутлаймиз. Барчаларингизни Олло шундай улуғ ой шарафидан баҳраманд қилган бўлсин. Кечалари бедор бўлиб, кундузлари сойим бўлиб қилган ибодатларимизни ўз даргоҳида қабул айлаган бўлсин. Ўз каломига содиқ бўлиб боришимизни, Ҳақ ва ҳақиқат йўлидан тоймаслигимиз ҳаммамизга насиб этган бўлсин.

— Муборак Рамазони шарифнинг аҳкомлари хусусида батафсилроқ суҳбатлашсак.

— Маъқул. Вақтли матбуотда аввал хабар берганимиздек, Рамазон рўзаси ҳижрий 2-йилда Шаъбон ойининг иккинчи кунидан Олло томонидан фарз бўлган ва шундан буён алҳамдуллилло бутун мусулмон олами бу ой шарафини, ҳурматини ҳимоя қилиб келмоқда.

Авваламбор, Рамазони шариф ойининг Ҳақ субҳонаҳу ватаоло тарафидан яратилиши бу барчамизни шу ойда рўза тутиб, яхшилик сари юз тутишимизга ишорадир. Чунки Олло ўз каломида хабар қилиб шундай дейди: «Эй иймон келтирган бандалар! Сизларга олдинги умматларга фарз қилингани каби рўза тутиш фарз қилинди, шояд сизлар тақводор бўлурсизлар».

Тақво — бу нима? Тақво бу кундуз кунлари овқат емай, сув ичмай оч қолишгина эмас, балки ейиш ва ичишдан ўзни тийиш билан бирга барча ёмон ҳислатлардан ҳам сақланишликдир. Масалан олайлик ёлғон сўзлаш, бировнинг кўнглини оғритиш, пора бериш ва пора олиш, ноҳақ зуғум қилиш, шаҳвоний ишларга берилиш ва ҳоказолар. Бу ҳислатлар агар очиқ айтадиган бўлсак, бугун жамиятимизнинг таназзулига сабаб бўлаяпти. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларидан бирида биз умматларига қарата шундай дейдилар: «Албатта рўза бир сақловчи нарсадир. Сизлардан кимки рўзадор бўлса фаҳш сўзларни сўзламасин, жоҳил кишиларнинг ишини қилмасин. Агар бир киши у билан уришса ёки сўкишса «мен рўзадорман, мен рўзадорман», — деб айтсун. (имом Бухорий ривоятидан).

Дарвоқе тақво фақатгина ана шундай амаллардан ўзни тийгандагина ҳақиқий бўлади. Тутилган рўза эса фарз бўлади. Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги 187-оят шундай нозил бўлган: «... Тонгда оқ ипни қора ипдан фарқлайдиган бўлгунича еб-ичингизлар, сўнг рўзани кечасига етказиб тамом қилингизлар». Хуллас бу хусусда оят ва ҳадисларни кўплаб келтириш мумкин. Мақсад эса битта. Инсонни инсонлик даражасида сақлаб туриш, жамият камолоти учун зарур бўлган сифатларни ҳаётдан изсиз йўқотиб юбормаслик. Кишиларни бир-бирига нисбатан кўпроқ меҳр-шафқатга чақириш.

— Тақсир, ҳали юқорида Қуръони каримдаги оятни шарҳлаб «Сизларга олдинги умматларга фарз қилингани каби рўза тутиш фарз қилинди» дедингиз. Демак, Муҳаммад алайҳиссаломдан олдинги пайғамбарлар замонасида ҳам рўза тутилган экан-да!

— Албатта. Пайғамбаримиздан олдинги умматлар ва пайғамбарлар ҳам рўза тутишган. Масалан, Довуд пайғамбар йилнинг олти ойи мобайнида рўза тутган. Яъни бир кун овқат еган, иккинчи куни рўзадор бўлганлар. Бошқа пайғамбарлар замонасида ҳам рўза тутишнинг ўзига хос одатлари бўлган. Сиз билан бизга эса энг енгил одат фарз қилиб қолдирилган. Яъни, бор-йўғи бир ой рўзадор бўлиш.

— Баъзан қишлоқлардаги қария отахонлар ва онахонлар бошқа ойларда ҳам айрим кунлари рўзадор бўлишади. Бу билан улар ўзларини қийнаб қўйишмаяптимикан!

— Саволингиз ўринли. Ҳаттоки, қатағон йилларида ҳам ўз эътиқодидан воз кечмаган кишиларни эшитганман. Бундай қавмларимиз билан фахрланамиз. Чунки улар Оллога ҳақиқий меҳр қўйган бандалар. Уларнинг рўзадор бўлишига келсак бундай рўза тутишлик ҳам Исломда бор одат. Чунки пайғамбаримиз нафл рўза тутганлар. Ойша (Разиялloҳу анҳу) онамизнинг нақл қилишларича (Ойша Разиялloҳу анҳу Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг суюкли завжалари бўлганлар). Пайғамбаримиз ҳар душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишликни одат қилган эканлар. Бундан ташқари ул зоти бобаракот ҳар ойнинг бошида, ўртаси ва охирида уч кундан рўза тутганлар. Муддао буюк куч-қудрат эгаси бўлган Оллога шукрона айтишлик.

— Рамазони шарифнинг бошланиши муносабати билан Ўзбекистон радиоси орқали сўзлаган табрик маърузангизда бу ойни раҳм-шафқат, меҳр-мурувват ва тинчлик ойи деган эдингиз. Бугунги ийд кунларида бу ҳислатлар қавмларингизда қандай намоён бўлаяпти!

— Аввалaмбор Ўзбекистон радиосининг «Ахборот» бош таҳрир ҳайъатига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Чунки кейинги пайтда «Оқшом тўлқинлари»да ахборот-мусиқавий эшиттириши орқали кўп хайрли ишларга қўл ураяпмиз. Рамазон табриги ҳам биринчи бўлиб шу эшиттириш орқали берилди. Саудия Арабистонидан келтирилган Қуръони карим ҳақидаги репортаж ёритилди. «Қадрият» туркумида суҳбатлар бериб борилмоқда. Албатта, бу хайрли ишлар баракасини Олло зиёда қилган бўлсин.

Ийди-Рамазон арафасида ва шу куни кишилар, айниқса рўзадор кишилар бир-бирига ўта мулойимлик билан муносабатда бўлиши лозим. Бу ҳислатлар қавмларимизда намоён бўлаяпти. Ийди-Рамазон куни эрта тонгданоқ минглаб кишилар масжидларга ибодатга келишади. Ҳаммасининг юзида табассум, тилида шундай кунларга етказганлик учун Оллога шукроналар. Улар ийди-Рамазон намозини адо этишиб, ўз яқинлари, қариндош-уруғлари ҳузурига, фарзандлар эса ўз ота-оналарини зиёрат қилишга ошиқишаётганини кўрамиз. Булар меҳр-шафқатдан нишона. Саудия Арабистони қироли Фаҳд ўз юртида Рамазони шариф ҳурматига авфи умумий эълон қилди. Маҳбуслар озодликка чиқди. Бу мурувватдан нишона. Жаҳоннинг турли мамлакатлари ўртасида ўзаро дўстлик алоқалари мустаҳкамланяпти, ядровий қуролларни батамом тугатиш борасидаги баҳслар давом этмоқда. Бу тинчликдан нишона. Чунки Олло ўз Қуръонида «Эй мўминлар, барчангиз тинчликка ва тинчлик ишига доҳил бўлингизлар», деган. (Бақара сураси, 204-оят).

Ўз навбатида биз ҳам ҳайъат аъзолари билан кеча пешин номозидан сўнг Тошкент шаҳридаги болалар уйларида бўлиб, совғалар топширдик. Бўстонлиққа бориб, табиий офатдан зарар кўрган биродарларимизга хайри эҳсонлар бердик.

Ийди куни ота-онани зиёрат қилиш улуғ бахт ва фарзандлик бурчидир. Мана Олло тарафидан бизларга дастур қилиб юборилган Қуръони каримнинг Исро сурасидаги 23-оятни олайлик. Унда парвардигор ўз бандаларига қарата шундай дейди: «Парвардигори олам фақат ўзига ибодат қилишликка ва ўзидан бошқага ибодат қилмасликка ҳукм қилди ҳамда ота-онани ҳурмат қилишликка буюрди. Агар ота-онангиздан бири ёки иккиси қарилик ёшида сизнинг ҳузурингизда бўлса (яъни қарамоғингизда) яхшилик қилинг. Улар ҳузурида «Уф» деманг ва уларни жеркиманг. Уларга доимо юмшоқ сўз айтинг».

Олло улуғлаган зотлар бўлмиш ота-оналаримиз ҳаммамиз учун табаррукдир. Келинг, ёш муштарийлар, бугун рўзномангиз орқали Сиз билан суҳбатлашиш имкони берилган экан, ана шу ҳислатларни ўз онгимизга сингдирайлик. Ийди-Рамазон фақат диний байрам бўлганлиги учун эмас, балки тарбият ва мурувват айёми бўлганлиги учун ҳам ўз ота-оналаримиз ҳурматини жойига қўяйлик. Шоядки, шунда ризолик топурмиз. Шоядки, шунда қалбларимиз миллатимиз, элимизга, халқимизга ёт бўлган иллатлардан фориғ бўлгай. Шоядки, шундагина тирик етимлар камайгай, меҳрга ташна фарзандларнинг кўзларидаги ёш аригай, қиз-жувонлар ҳаёсизлик, ибосизлик балосидан қутулгай.

— Ийди куни бериладиган фитр садақаси ҳам меҳр-шафқатдан нишона шекилли!

— Шундай. Фитр садақаси бу ҳар бир рўзадорнинг агар қодир бўлса бошқа бир фақир ва муҳтож мусулмонга кўрсатадиган мурувватидир. Фитр садақасининг миқдори киши бошига 2,5 килограмм ғалла ёки шу миқдордаги қимматга эга бўлган пул билан белгиланади. Фитр садақаси фақатгина уни бериш учун қодир бўлган барча мусулмонлар оила аъзолари томонидан берилади. Гарчанд садақаи фитр кўпроқ номоз куни берилсада, жойлардаги қавмларимиз томонидан масжидларга фитр садақаси келтириш ийдга уч-тўрт кун қолгандаёқ бошланди. Куни кеча Сирдарё шаҳридаги «Янги ҳаёт» жомий масжидининг имом ҳатиби Мўминжон Усмон ўғли ва мутавалиёт раиси Аҳмаджон Мирсоатовлар ўша атрофдаги кишилар фитр садақаси ҳисобида қуйидаги нарсаларнинг келтирилганлигини маълум қилишди. Ўн дона гилам, 5 дона одеял ва бошқа нарсалар келтиришган. Бу садақаи фитр Сирдарё ноҳиясидаги ногиронлар беморхонасига ўтказилади. (Бу ерда туғма асаб касалига чалинганлар даволанишади).

— Ўзингиз таъкидлаганингиздек, куни кеча Саудия Арабистонидан Қуръони карим ортилган тайёралар жумҳуриятимиз пойтахтига келди. Бу менимча буюк бир мусулмон мамлакатининг диёримиз мусулмонларига кўрсатган муруввати. Шундай эмасми!

— Оллога шукурлар бўлсинким, улуғ Рамазони шариф ойининг сўнгги кунларида шундай мурувватга мушарраф бўлдик. Чунки бир миллион дона муқаддас китобни «фисабиллиллоҳ», яъни Оллоҳнинг йўлида юрувчиларга бериш (текинга бериш) ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айнан сиз юқорида таъкидлаган фитр садақасининг асл моҳияти ҳам ана шу «фисабиллиллоҳ» калимасига бориб тақалади. Мана ўтган кунлар давомида келтирилган Қуръони каримнинг дастлабки 40 минг донаси қўшни Тожикистон жумҳуриятидаги мусулмон биродарларимизга юборилди. Яна 40 минг донаси икки кун давомида ийд айёми арафасида махсус карвон билан Фарғона водийси мусулмонларига тарқатилди. Саудиялик иймон ва эътиқодда мустаҳкам, ўз лабзида ҳалол биродарларимиз бу улуғ ойда нафақат Қуръони карим, балки бугун табиий муҳит ёмонлашганлигидан ҳар икки боланинг бири касалликка чалинган Оролбўйи халқлари ва барча диёримиз беморхоналари учун зарур бўлган бир маротаба фойдаланиладиган шприцлар ҳам жўнатишди. Афсуски, у айрим тушунмовчилик туфайли ҳозирча бизга етиб келгани йўқ. Ўйлаймизки, сирли тарзда ғойиб бўлган шприцлар тез кунда диёримиздаги барча беморлар саломатлигини тиклашларида ишлатилади.

Бу йилги Рамазони шарифнинг хосиятларидан яна бири шу бўлдики, биз жумҳуриятимизнинг 300 дан ошиқ масжидларида имкони борича ҳатми Қуръон қилдирдик. Тошкент шаҳридаги деярли ҳамма масжидларда Оллонинг каломи янгради. Бундан тўрт-беш йил олдин бундай ишларни фақат орзу қилиш мумкин эди. Булардан ташқари диёримиз тарихида биринчи маротаба қорилар мусобақаси ўтказилди. Ливия жамоҳириясидан келиб таҳсил олаётган талабалар ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу мусобақа бизга тафаккурда беназир бўлган ота-боболаримиз руҳи ҳали барҳаёт эканлигини англатди. Мусобақада Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларининг барча жойларидан Оллонинг каломини ёд олган фарзандларимиз қатнашдилар. Саудия Арабистонида яшаётган ва бугун диёримизда меҳмон бўлиб турган ўзбеклар бу мусобақада ҳакамлик қилдилар. Ўзбекистонда шундай илмли кишилар халқ орасида борлигидан беҳад хурсанд бўлишди. Шахсан ўзим Ислом дини равнақи келажагимиз бўлмиш ушбу ёшлар билан чамбарчас боғлиқлигига яна бир бор комил ишонч ҳосил қилдим.

— Муҳтарам Муфтий ҳазратлари, рўзадор бўлишингизга ва Муфтий сифатида, СССР халқ ноиби сифатида ишларингиз қайнаб турган бўлишига қарамасдан рўзномамиз саволларига жавоб қайтаришга вақт топиб суҳбатлашганингиз учун ташаккур. Яна бир бор ўзингиз ва барча қавмларингизни бугунги муборак айём билан қутлаймиз. Доимо соғ-саломат бўлинг.

— Раҳмат! Олло йўлида, жамият равнақи йўлидаги халқ хизматига доимо тайёрман. Рўзномангиз муштарийларига, хусусан таҳрир ҳайъатига тинчтотувлик, ўзаро биродарлик, халқ манфаати йўлидаги хайрли ишларига парвардигордан битмас-туганмас ажрлар тилаб қоламан.

Ийди-Рамазон муносабати билан бизга матбуот, радио, ойнаи жаҳон орқали кенг имконият яратиб беришда ташаббус кўрсатган жумҳуриятимиз раҳбарларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ийди-Рамазон ҳаммамиз учун муборак бўлганлигидан, маслакларимиз умумийлигидан хурсандман. Олло хитоб қилганидек «Шоядки, тақводор бўлсак».

Вассалому алайкум вараҳматуллоҳу вабаркоту.

Суҳбатдош Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли.

●

Суратказ: Муҳаммад АМИН.

«Келинлигинг шу билан ширин бўлар»

— Эна, қаёққа борамиз?

— Кийин тезроқ. Кеча тикиб берганим — янги кўйлагингни кий, ҳайитлаймиз.

Мен, сочлари жамалак, жажжи қизалоқ, қувончдан кўзларимни пирпиратганча, энамнинг қўлларидан маҳкам ушлаб, кўчага чиқаман. Яна ўтган йилги байрам келганидан севиниб, тенгдошларим билан бир-биримизнинг кийган ҳайтликларимизни кўз-кўз қилиб икки-уч кун минг ўйнаб минг яйраймиз.

Ўшанда қишлоқ кўчалари чиройли кўйлаклар кийиб олган, қўлларига хино қўйган қизларнинг хандон кулгиси-ю, бошда дўппи, эгнида ҳали охори тўкилмаган уст-боши йигитларнинг сирли шивир-шивирига тўлиб кетади. Қош қорайиб, тун ўз пардасини бор бўйича ёйиб юборганда ҳам қоронғи қишлоқ кўчаларидан одамлар аримайди.

Энам, мени, набирасини етаклаганича тенгдош кампирлар билан гурунг қилиб, қишлоқнинг кўп хонадонларига кириб чиқишади. Ҳамма уйда безатиғлик дастурхон. Биз, ширинликларга ўч набиралар дарров дастурхонга қўл чўзиб, хоҳлаган ширинликларимиздан чўнтакларимизни, кичкина қўлларимизни тўлдириб оламиз. Негадир шу куни бунчалик кўп ширинлик эганимиз учун, бегона хонадон дастурхонига истаганимизча қўл чўзганимиз учун ҳеч ким бизни койимайди. Мана шу икки-уч куннинг энг чиройли дақиқалари биз болаларга келинларнинг берадиган саломи бўлади.

Болаликдаги хотиралар унутилмайди. Бўйимизга бўй, ақлимизга ақл қўшилиб улғайдик. Негадир болалигимдаги ўша серзавқ кунларни тез-тез эслаб тураман. Бир куни энамдан (ҳозир марҳума) ўша хотиралар ҳақида сўраганимда: «Э, сизларни кўраётган кунларингиз ҳам кунми?! На рамазон ойини биласизлар, на ҳайитни. Ота-боболаримизнинг энг яхши кунларини эсдан чиқариб юбординглар. Шунинг учун қишлоқдан ҳам, шаҳардан ҳам барака кўтарилиб кетди. Одамларда оқибат қолмади. Келинларнинг келинлиги «келин салом» билан ширин бўларди... Ҳозирчи! Э — э...»

Энам қўл силтади-ю, тишсиз оғзидаги қуртни шимганча узоқларга тикилди. Унинг ёшлари қуриб бўлган қўзидан икки томчи ёш томди ўшанда.

Халқимизнинг асл кишилари қатағон қилинганидек, урф-одатларимизга ҳам бир-бир ҳужум бўлди. Лекин ҳақиқат минг бор эгилиб, минг бор букилса ҳам синмаслигини билишмади улар. Рамазон ойидан кейин келадиган ота-боболаримиз табаррук кун, деб алқаган ҳайитни ҳамма баравар байрам қиладиган бўлди. Янги эгни-бош кийиш, марҳумларни яна бир бор хотирлаш, маҳаллага, қишлоққа келган янги келинчакларни кўргани бориш — булар оддийгина инсонийлик эмасми?! Мана шу оддий инсонийликни деб бир вақтлар кимлардир бегуноҳдан-бегуноҳ «калтак» ҳам еган. Бугун янгиланиш, замонасида ҳар бир халқ яна бир бор ўзлигини таниб олмоқда. Биз ҳам аждодлардан мерос қолган урф-одатларимизни авлодларимиз қўлига кам-кўстсиз топшириш учун, ўзлигимизни сақлаб қолиш учун курашаяпмиз. Ҳа, бобомерос ҳар бир удум табаррукдир.

...Энамнинг намсиз кўзларидан томган ўша икки томчи ёш ҳанузгача хаёлимдан узоқлашмайди. Бу икки томчи нима ўзи? Боболардан мерос урф-одатларнинг оёқ ости бўлиб кетилаётганига кичик бир исёнми ёки ўз ўтмишининг гўзаллигини набираларида топа олмаётган кампирнинг куюнишими? Билмадим. Мен бу икки томчи ёшнинг асл сабабини энди ҳеч қачон билолмасам керак. Ҳарқалай, энамнинг «Келинларнинг келинлиги «келин салом» билан ширин бўлади» деган гаплари хотирамда муҳрланиб қолди.

...Рамазон ойининг сўнгги куни. Ҳали ҳайитлиги ўтмаган келинчакнинг ҳайитлигига деб, унинг онаси томонидан келин-куёвга сарполар, онанинг ўз қўллари билан тайёрлаган егуликлари олиб келинади. Наҳорда ҳайит намози ўқилгач, эгнида саккиз тепки атлас, лозими билан, оёқларида қуббали ковуш, бир мулойимлик, бир майинлик билан бошига ташланган хаё белгиси — катта рўмол ила юзларини ним ёпганча хонадонга қадам ранжида қилган ҳар бир кишига таъзим қилаётган келинчакни кўрганмисиз? Унинг таъзимига сиз томондан «Кўп яшанг!», «Кам бўлманг» сўзлари айтилганми? Гўзаллик ичидаги бу гўзал манзарани кўрмабсиз, демак яшамабсиз. Меҳмонлар — у кексами, ўрта ёшми, ёки қўшнининг ўйинқароқ ўғил-қизими, келинчакнинг хонадони тўрига таклиф қилинади улар. Келинчакнинг хино қўйилган қўлидан чой ичинг. Бу чойдан мушки-анбар ҳиди анқийди.

Сафар қариб, келинчакнинг хонадонидан чиқиб кетаётган кишилар уни алқайдилар, кексалар эса, шу хонадонда «палак» отиши»ни тилаб нурли юзларига фотиҳа тортадилар.

Ҳайитлаётган қизлар эса эрта-индин ўзларининг ҳам бошларига шу муқаддас кунларнинг тушишидан ич-ичдан ўртаниб, севиниб, келинларнинг энг ҳурлиқосига ҳавас қилиб, бирма-бир ҳайити ўтмаган келинлар хонадонига киришади.

Хотинларнинг эса бу кун гапи тугамайди. «Анув келин ўзини бундай тутди, мана буниси бирам сулув экан...» деган гаплар билан кунлар тунга уланади.

Ўзларининг гўзаллиги-ю, латофати камлик қилаётгандек, келинчаклар бир куннинг ўзида уч-тўрт либос алмаштирадилар. Атлас, сувпарилари-ю, шакарсепдилар келинчакнинг нозик баданига ёпишиб, уни қизғанадилар.

Бу уч кун ичида бирор-бир хонадоннинг эшиги ёпилмайди. Уч кечаю, уч кундуз ҳамма бир-бирини йўқлайди, сийлайди.

«Худонинг куни кўп. Шундан 30 кунини худо суяди. Уч кунини эса сийлайди» дейди кексалар.

Энам бир вақтлар бир ривоятни айтиб берганди: «Юртга қаҳатчилик келиб, на бир гиёҳ униб, на бир мева ҳосилга кирибди. Кекса-ю, ёшнинг очликдан силласи қуриб, қирила бошлабди. Шунда пайғамбарларимиз 30 кун рўза тутишни буюрибди. 30 кун емакдан, ичмакдан тийилган халқ очликка ҳам кўникибди. Бу рамазон ойига тўғри келган экан. Пайғамбарлар ўз умматларининг сабру-бардоши, ихлоси учун уларни уч кеча-ю, уч кундуз сийлабди. Сарполар ҳадя этибди. Шу-шу бу табаррук кунни ота-боболаримиз, 7 ёшдан то 70 ёшгача бўлганларнинг бари нишонлашган. Бизлар ҳам бу қутлуғ кунларга амал қилдик. Сизлар ҳам аждодларимизни қирғиндан сақлаган бу қутлуғ кунларни эсдан чиқармаслигингиз керак. Келинларнинг ҳайит куни салом қилиб, яхши-ёмонни бирдай кутиб олиши ҳам ўша кунлардан қолган-да, болам. Келинчаклар халқнинг омон қолганлиги учун тирикликка — инсонга, худонинг меҳр-шафқатига, пайғамбарларимизга таъзим қилган...» деб ҳикоя қилиб берганди.

Рамазон ойи, ҳайит кунлари ҳақидаги ривоятлар турлича. Ҳар қалай, бир нарса аниқ: шу кунлари кишилар бир-бирининикига кўпроқ ташриф буюриб, меҳр-оқибатни тиклайдилар. Эшикларга қулф осилмай, аждодларимизнинг табаррук руҳлари хонадонларимизга кириб келади. Бу табаррук кунлар келин салом билан янада файзлашади.

Ана, бироз эгик қомат. Усма сувига қонган тим қора қошлар, шаҳло кўзлар, уятдан қимтинган ложувард лаблару, қирмизи юзлар оппоқ рўмол остига беркинган. Хино қўйилган нозик қўллар кўксига қўйилган. Ота-боболаримиздан қолган табаррук кун — ҳайит куни хонадонига қадам ранжида этган кекса-ю ёшга таъзим қилмоқда у. Бу — тирикликка, ҳаётнинг давомийлигига, меҳр-шафқатли инсонларнинг борлигига ва энг яхши, қутлуғ кунларга қилинган таъзимдир.

ОЙ САРА.

Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан

Ўшанда у 26 ёшда эди. Тўсатдан машъум уруш бошланди. Гитлерчилар Германияси Ватанимизга бостириб кирган 1941 йил 22 июнь куни Любовь Владимировна Сальтикова ҳам кўнгиллилардан бўлиб ариза берди. Ниҳоят, унинг талаби қондирилди. Любовь фронтга отланди. У жанггоҳларда автомашина ҳайдаб, фронт линиясига ўқ-дорилар ташиди. 1941 йил кузида қизлар группасининг разведкачилар мактабига қабул қилинди. Қизиғи шундаки, Любовь ўзининг қадрдон дугонаси, машҳур ва тилларда достон бўлган Зоя Космодемьянская билан ёнма-ён жанг қилди.

Кекса разведкачи тўзиб кетган хотираларини бир жойга йиққанча, узоқ ўйга толади. Унинг серажин юзида истироб кўринади. Кўзларида ёш қалқийди.

— Ахир бунга чидаб бўлармиди, — дейди опа. — Менинг кўз олдимда немислар Зояни дорга осишди. Шундан сўнг мен ва сафдошларим фашистлардан қаттиқ ўч олишга аҳд қилдик. Зояни «Атаман Комар» деб аташарди. Мен кўпроқ разведка ишлари билан машғул бўлардим, — дейди суҳбатни давом эттириб опа. — Бир куни менга «тил» тутиб келиш топширилди. Кечаси пистирмага жўнадим. Аста-секин эмакладим-да, немис офицери, ССчи полковник Фон Штаубе жойлашган қароргоҳга қараб юрдим. Пистолет билан учта соқчини тинчитдим. Хона ичида эса полковник ухлаб ётарди. Пистолетнинг қўндоғи билан унинг калласига туширдим. Кучли зарба гангитиб қўйди. Апил-тапил чўнтагига қўл солдим. Калитлар шодаси чиқди. Дарҳол сейфни очдим. Ичидан эса немисларнинг байроғи чиқди.

Собиқ разведкачи билан учрашув

Полковник кўзини очиб менинг қўлимда байроқни кўрди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Икки қўли боғланган. Уни рус қизи елкасида кўтариб борарди...

Шундай қилиб, Любовь қўлга тушган ўлжани омон-эсон штабга олиб келди. Жасур разведкачини ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. У ана шундай жанггоҳларда 22 та «тил» ушлаб, жангчилар орасида эътибор қозонди. Уни «Шуҳрат», I даражали Ватан уруши орденлари ва бошқа медаллар билан мукофотлашди. Уч марта яраланди. Икки йил госпиталда ётди.

Ҳозир кекса, собиқ разведкачи қарилик гаштини сурмоқда. Унга 28 ёшида Улуғ Ватан урушининг 1 группа инвалиди, деган ҳужжатни беришган эди. Мана, уруш тугаганига 45 йил бўлибди. Любовь опа ҳамон қўлтиқтаёқ билан юради. Қўлтиқтаёқлар армон, айрилиқ, ҳижрон, даҳшат ва қўрқинчларни, гоҳида қисқагина бўлган шодликларни эслатиб туради унга.

Яқинда қаҳрамон жангчи Ўзбекистонга ҳам ташриф буюрди. Қандай қилиб, дерсиз. Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов ноҳиясидаги Миришкор қишлоғида яшовчи Умидилла Ниёзов ўз хизмат бурчини пойтахтимиз Москвада ўтади. У Любовь опа билан тасодифан танишди ва кекса жангчининг уй ишларига яқиндан ёрдам бериб турди. Она-бола бўлишди. Кейин Умидилла уни ўз юртига — Ўзбекистонга таклиф қилди.

Собиқ разведкачи сафдош дўстлари, дугоналари ҳақида ноҳиядаги Йўлдош Қурбонов номли мактаб ўқувчиларига тўлқинланиб гапириб берди. Мактаб ўқувчилари кекса жангчини фахрий пионерликка қабул қилдилар.

Тожиддин ТОШҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти.

ТВ

27 АПРЕЛЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Серқуёш ўлкада». Телефильм. 12.05 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Авлодлар учун асрайлик». Телефильм («Ўзкинохроника»). 18.05 «Санъат олами». Мўйқалам соҳиблари. 18.50 ЎзССР халқ депутатлари билан мулоқот. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Фан — ишлаб чиқаришга». Қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар етиштирайлик. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ўзбек куйларидан концерт. 21.40 Катталар учун мультфильмлар: «Бу ерда йўлбарслар бўлиши мумкин», «Ўтмиш воқеаси». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Хотира». Чўлпон. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар» (рус тилида). 18.50 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали. 19.05 «Оқкўнгил кишилар». Бадиий фильм («Грузияфильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумидан. «Чичерин». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Канада терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади. 9.45 «Кинопанорама». 11.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.00 1990 йил қўшиқлари.

* * *

15.15 «Свердловск опера театри таклиф этади...». Свердловскдан кўрсатилади. 16.05 Социализм муаммолари: воқелик ва истиқболлар. 16.50 «Бегемот ва қуёш». Мультфильм. 17.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Саркардалар». Ҳужжатли фильм. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Канада терма командалари. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Концерт. 21.25 «Нигоҳ». Кўрсатув тугагач — «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 «Бир куни...». Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.35 Теварак-атроф билан танишиш. 2-синф. Ҳар доим бўлсин қуёш! 8.55, 9.55 «Гросснинг сеҳрли бўёғи». Илмий-оммабоп фильм. 9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Тарих. 8-синф. М. В. Ломоносов. 11.05 «Цимбаль оҳанглари». Илмий-оммабоп фильм.

* * *

12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ота уйи». 1-серия («Укртелефильм»). 13.15 «Бошпана». Истеъдодли ихтирочи Н. Ф. Жалибин ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Олмаота). 14.15 Ритмик гимнастика. 14.45 А. Дворжак. 8-соль мажор симфонияси. ГДР телевиденияси Берлин симфоник оркестрининг концерти.

* * *

16.30 Қўшиқ инсон билан қолади. «Номсиз тепаликда». 17.25 Ритмик гимнастика. 17.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шалпанг қулоқ». Мультфильм. 1-қисм.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ленинчи

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 01270.
Д. — 23454.